



# Ойларнинг султони

Кунлар, ойлар, йиллар айланаверар экан. Яқиндагина Рамазон билан хайрлашган эдик. Мана, бугун у яна остонамизда. Нафл ибодатлар ҳам фарз қаторида кўриладиган, риёдан ҳоли, хайри, ажри мўл ғанимат дамларга оз қолди.

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

**“Эй имон келтирганлар! Сизлардан олдинги (уммат)ларга фарз қилингани каби сизларга ҳам рўза тутиш фарз қилинди, шояд (у сабабли) тақволи бўлсангиз. Саноқли кунларда. Бас, сизлардан кимки бемор ёки сафарда бўлса, саноғи бошқа кунлардандир. Мадори етмайдиганлар зиммасида бир мискин кимсанинг (бир кунлик) таоми фидядир. Кимки ихтиёрий равишда зиёда хайр қилса (лозим бўлганидан ортиқ фидя берса), ўзига яхши. Агар билсангиз, рўза тутишингиз (фидя бериб тутмаганингиздан яхшироқдир)”** (Бақара, 183–184).

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Рамазон ташрифи ҳақида марҳамат қилиб: “Ким Рамазон ойи кириб келишидан хурсанд бўлса, жаҳаннам ўти унга ҳаром қилинади. Чунки бу ойда жаннат эшиклари очилади. Жаҳаннам эшиклари эса беркитилади, шайтонлар кишанланади”, деганлар. Абу Хурайрадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинган ҳадисда Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Одам боласининг ҳамма амали бир неча баробар оширилади: битта яхшилик ўн баробардан етти юз баробаргача оширилади. Аллоҳ таоло: “Рўза ундай эмас. Рўза Мен учундир. Ўзим унинг мукофотини бераман. Зеро, Одам боласи шаҳвати ва овқатини Мен учун тарк қилади” деган», деб марҳамат қилганлар.



Рўза банданинг тақвосини кучайтирадиган омиллардан биридир. У инсонни улўғ мартабага кўтаради. Рўза фақат ейиш-ичишдан тийилишгина эмас, маънавий ибодат ҳамдир. Уламоларимиз рўза тутувчиларни уч қисмга бўлишади:

1. *Омманинг рўзаси.* Фақат ейиш, ичиш ва жимодан тийилиш.

2. *Солиҳларнинг рўзаси.* Кунда еб-ичишдан тийилишдан ташқари, бошқа барча аъзолар ҳам гуноҳ ишлардан сақланади. Бундай рўза беш амални давомий бажариш билан камолга етади:

- шариат қайтарган барча нарсалардан кўзни тийиш;
- тилни ғийбатдан, ёлғондан, чақимчиликдан, ёлғон қасамдан сақлаш;
- ёмон гап-сўзларга қулоқ тутмаслик;
- барча аъзоларни ёмон ишлардан тийиш, шубҳали емаклардан парҳез қилиш.
- ифтор вақтида ҳаддан зиёд тўйиб кетмаслик.

Давоми 9-саҳифада

## Болаларни асрайлик

Инсон умрининг кўрки ва мазмуни фарзанддир. Жажжи ва беғубор болажонларни ардоқлаш, ҳуқуқини ҳимоялаш, уруш хавфидан асраш, саломатлигини сақлаш, таълим-тарбия бериш мақсадида Аёлларнинг халқаро демократик федерацияси қарорига кўра, 1949 йил Париж шаҳрида 1 июн “Халқаро болаларни ҳимоя қилиш” кунни деб эълон қилинди. Мана 64 йилдирки, бу байрам муносабати билан болалар ҳуқуқлари ҳимояси борасида турли қонун ва қарорлар қабул қилиниб, амалга жорий бўлмоқда.

Болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни эъзозлаш борасида муқаддас динимизда кўрсатмалар кўп. Қуръони каримда бундай дейилади: **“Оналар болаларини тўла икки йил эмизадилар. (Бу ҳукм) эмизишни бенуқсон қилмоқчи бўлган кишилар учундир. Уларни яхшилик билан едириб-кийдириш отанинг зиммасидадир”** (Бақара, 233).

Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) болалар хусусида: “Аллоҳ таолодан кўрқинг ва болаларингизга адолат қилинг” (*Имом Муслим*); “Кимнинг учта (бошқа бир ривоятда: иккита) қизи бўлиб, уларни тарбиялаб, катта қилса ва уларга марҳамат назари билан қараса, жаннатга киради” (*Бухорий ривояти*); “Фарзандларингизни ҳурматланг ва уларнинг одобини гўзал қилинг” (*Ибн Можа*) каби ҳадислари ворид бўлгандир.

Мустақилликнинг илк кунлариданоқ Ўзбекистон Республикаси БМТнинг “Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги” конвенциясига қўшилиш ҳақидаги ҳужжатни имзолади. 1997 йил муҳтарам Юртбошимиз ҳар йили биринчи синфга қабул қилинадиган ўқувчиларни бепул мактаб анжомлари билан таъминлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Мана, 16 йилдан буён ҳар йили тўрт юз саксон-беш юз мингга яқин ўқувчи бу имкониятдан фойдаланиб келади. 2004 йил май ойида муҳтарам Президентимиз фармойиши билан мактаб таълимини ривожлантиришнинг умуммиллий дастури қабул қилинди. Шунингдек, Юртбошимизнинг 2002 йили Ўзбекистонда болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисидаги фармони болажонлар соғлигини тиклаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш бўйича кенг кўламли ишларни амалга оширишга тurtки бўлди.

Пайғамбаримиз (алайҳиссалом): “Жаннат райҳонлари” деган болаларнинг кулгиси, қувончи ҳеч қачон бизни тарк этмасин. Келажакда Ватанга, халққа ва динга холис хизмат қилиб, эл-юрт, ота-она розилигини олишсин.

**Муслимжон БОЙМИРОВ,**  
ТИИ 1-босқич талабаси

Журналнинг 2013 йил 1-сонидан бошлаб янги саҳифалаш ва янги бадий безаш услуби Жамшид Саъдиновники.

### «HIDOYAT»

Ойлик диний-маърифий,  
илмий-адабий нашр

### Муассис

Ўзбекистон мусулмонлари идораси  
«Мовароуннаҳр» нашриёти

### Бош муҳаррир

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН

### Таҳрир ҳайъати

Усмонхон АЛИМОВ  
Абдулазиз МАНСУР  
Абдураззоқ ЮНУС  
Ортиқбек ЮСУПОВ  
Анвар ТУРСУН  
Аҳад ҲАСАНОВ  
Зоҳиджон ИСЛОМОВ  
Абдулҳамид ТУРСУН  
Ҳайдархон ЙЎЛДОШҲЎЖАЕВ  
Баҳодир КАРИМОВ  
Эркин МАЛИК  
Муҳаммад Шариф ЖУМАН  
Исомиддин ОЛИМОВ  
Абдул Жалил ХЎЖАМ  
(Бош муҳаррир ўринбосари)  
Муҳтарам УЛУФОВА

### Хаттот

Ислом Муҳаммад

### Бадий муҳаррир

Элнур Ниёз ўғли

### Саҳифаловчи

Баҳром ИКРОМОВ

### Матни

Раҳима КАРИМЖОН қизи терди.

### Манзилимиз

100002, Тошкент шаҳри  
Зарқайнар 18-берк кўча 47<sup>а</sup>-уй;  
Тел: 227-34-30, 240-05-19.  
Интернет сайтимиз: [www.hidoyat.uz](http://www.hidoyat.uz)  
Интернет почтаимиз: [m-nashr@yandex.ru](mailto:m-nashr@yandex.ru)  
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва  
ахборот агентлигида рўйхатга олинган.  
Гувоҳнома рақами 0177.

Босишга 2013 йил 11 июнда рухсат берилди.  
Босмаҳонага 2013 йил 12 июнда топширилди.  
Қоғоз бичими 60x84 1/8. Адади 64.600 нусха.  
2957- сон буюртма. «Sharq» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компаниясида босилди.  
Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Қўлёзмалар қайтарилмайди.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи  
назаридан фарқ қилиши мумкин. Келти-  
рилган иқтибос ва рақамлар учун муал-  
лиф масъул. Хат юборилганида исмлар  
тўлиқ, манзил аниқ ёзилсин. Мақолалар  
кўчириб босилса ёки иқтибос олинса,  
«Ҳидоят»дан олингани кўрсатилиши шарт.

Журналимиз саҳифаларида оят  
ва ҳадислар берилаяётгани учун  
уни ножоиз жойларга ташла-  
маслигингизни сўраймиз.



## ТАФСИР

АЛЛОҲНИНГ МАҒФИРАТИ  
ВА УЛУҒ МУКОФОТИ 4

“Мўмин” “имон” сўзи билан, “муслим” сўзи “ислом” сўзи билан ўзақдош. Ислом бу ҳар бир иш-ни фақат Аллоҳнинг розилиги учун қилиш ва бу ишларда Аллоҳга шерик қўшмасликдир. Имон Аллоҳнинг бирлиги ва илоҳлик сифатларига гувоҳлик бериб, уни тасдиқлашдир.

## ТОБЕИНЛАР ҲАЁТИ

## АҲНАФ ИБН ҚАЙС 10

(раҳматуллоҳи алайҳ)

Ҳикматли сўзлари: “Уч кишидан уч нарса кутилмайди: Пасткашдан шараф, фожирдан яхшилик, аҳмоқдан ҳалимлик”; “Ким одамлар ёқтирмаган нарсаларни гапирса ёки қилса, одамлар у ҳақда билмаган нарсаларини айтиб юборишади”; “Олижаноблик сир сақлаш ва ёмонликдан узоқ бўлишдир”. “Хатосини англаб юрган одам комил инсондир”; “Амалсиз гапда, саховатсиз молда, вафосиз дўстда, диёнатсиз фақиҳда, ниятсиз садақада, соғлиқ ва омонликсиз ҳаётда яхшилик йўқ”.

## МАСАЛА

## СЎРАГАН ЭДИНГИЗ... 12

**Савол:** Ўзининг опа-синглисига, ака-ука-сига закот берса бўладими?

**Жавоб:** Бўлади. Ўзининг ака-укаси, опа-сингилларига берилган закотнинг савоби яна ҳам улуғдир.

Чунки бу билан ҳам закот фарзи адо этилган бўлади, ҳам қариндош-уруғчилик алоқалари, ўзаро меҳр-муҳаббат ришталари мустаҳкамланади.

## ХАБАРЛАР

## ИСЛОМ ВА ОЛАМ 20

## ЗИЁРАТЧИЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

Саудия Арабистони Ҳаж ишлари вазирлиги Мадинаи мунаввара яқинидаги Ҳижр водийсида зиёратчилар учун марказ бунёд этиш режасини тузди. Қуриладиган марказ йилига ҳаж ва умра амалларини бажариш учун келадиган етти миллион нафар зиёратчига хизмат қилади.

## МУНДАРИЖА

*Рамазон соғинчлари*

Хайрулло ТОҒАЕВ

Ойларнинг султони ..... 1

*Таянч нуқта*

Болаларни асрайлик ..... 2

*Ҳуқуқий саводхонлик*

Ўзбекистон Республикасининг қонуни ..... 7

*Бугуннинг гапи*

Усмонхон АЛИМОВ

Маърифат – ҳаёт мезони ..... 7

*Идора ҳаёти*

Меҳмонларимиз ..... 9

*Оила*

Сизга ўхшайман ..... 11

*Яхшиликка чақириш*

Азимжон АЛИМЖОНОВ

Оламнинг олтин қонуни ..... 14

*Ёмонликдан қайтариш*

Мусибат ҳам Аллоҳдандир ..... 15

*Ҳадис шарҳи*

Кўп истиффор айтишнинг фойдалари ..... 16

*Насихат*

Қанча неъмат ичрамиз... ..... 17

*Идорамизнинг 70 йиллиги*

Марям АБДУЛҒАНИ АБДУЛЛОҲ

Яхшилар ёди ..... 18

*Ёмонликдан қайтариш*

Мирзатилла АЛИХОНОВ

Саодат кушандаси ..... 19

*Аёллар саҳифаси*

Нигора МИРЗАЕВА

Азанинг муддати қанча? ..... 23

*Шеърят*

Салоҳиддин МУҲАММАД

Ватан ..... 24

Мамадали ТУРДИАЛИ ўғли

Дуо ол ..... 25

Абдулҳамид ИСО

Байтинга чақир, дедим ..... 25

*Дарс*

Ҳадис илмлари таснифи ..... 26

*Тарбия*

Қўлингиздан китоб тушмасин ..... 27

*Қуръонни ўрганамиз*

Муҳаммадзафар АҲМАДЖОНОВ

Мўминларга шифо ва раҳмат ..... 28

*Имомларимиз ижоди*

Донобой ҚОДИРОВ

Севмай бўлурми? ..... 29

*Муносабат*

Абдурасул ТОШПЎЛАТОВ

Ўйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир ..... 30

*Ибрат*

Умид сўнмаслиги керак ..... 31

*Митти тадқиқот*

Ибн Молик ..... 32

# Аллоҳнинг мағфирати ва улуғ мукофоти

“Албатта, муслим ва муслималар, мўмин ва мўминалар, итоатли эркаклар ва итоатли аёллар, ростгўй эркаклар ва ростгўй аёллар, сабрили эркаклар ва сабрили аёллар, тавозели (камтар) эркаклар ва тавозели аёллар, садақа қилувчи эркаклар ва садақа қилувчи аёллар, рўза тутувчи эркаклар ва рўза тутувчи аёллар, авратларини (ҳаромдан) сақловчи эркаклар ва (авратларини ҳаромдан) сақловчи аёллар, Аллоҳни кўп зикр этувчи эркаклар ва (Аллоҳни кўп) зикр этувчи аёллар – улар учун Аллоҳ мағфират ва улуғ мукофотни (яъни, жаннатни) тайёрлаб қўйгандир” (Аҳзоб, 35).

إِنَّ الْمُسْلِمِينَ وَالْمُسْلِمَاتِ وَالْمُؤْمِنِينَ  
وَالْمُؤْمِنَاتِ وَالْقَانِتِينَ وَالْقَانِتَاتِ  
وَالصَّادِقِينَ وَالصَّادِقَاتِ وَالصَّابِرِينَ  
وَالصَّابِرَاتِ وَالْخَاشِعِينَ وَالْخَاشِعَاتِ  
وَالْمُتَّصِدِّقِينَ وَالْمُتَّصِدِّقَاتِ  
وَالصَّامِينَ وَالصَّامَاتِ وَالْحَافِظِينَ  
فُرُوجَهُمْ وَالْحَافِظَاتِ وَالذَّاكِرِينَ  
اللَّهَ كَثِيرًا وَالذَّاكِرَاتِ أَعَدَّ اللَّهُ لَهُمْ  
مَغْفِرَةً وَأَجْرًا عَظِيمًا (۳۵)

Оятнинг нозил бўлиш сабаби ҳақида Ибн Аббос (розияллоху анху) бундай дейди: «Аёллар Расулуллоҳга (соллаллоху алайҳи ва саллам): “Ё Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам), нима учун Раббимиз мўминларни зикр этади-ю, мўминаларни зикр этмайди” дейишди. Шундан кейин бир оз ўтиб ушбу оят нозил бўлган».

“Албатта, муслим ва муслималар, мўмин ва мўминалар...” Мотуридий тафсирида бундай дейлади: Бир жиҳатдан имон ва Ислом биридан фарқли бўлса ҳам, маъно жиҳатидан иккови бир.

“Мўмин” “имон” сўзи билан, “муслим” сўзи “ислом” сўзи билан ўзакдош. Ислом бу ҳар бир ишни фақат Аллоҳнинг розилиги учун қилиш ва бу ишларда Аллоҳга шерик қўшмаслиқдир. Имон Аллоҳнинг бирлиги ва илоҳлик сифатларига гувоҳлик бериб, уни тасдиқлашдир.

“...итоатли эркаклар ва итоатли аёллар...” оятда “قَانِتٍ” “қонит” ва “قَانِتَاتٍ” “қонитат” сўзлари

келган бўлиб, бу сўз “қунут” сўзи билан бир ўзакдан. Қунут Аллоҳнинг буйруқлари ва қайтариқларига итоат қилишдир. Тафсиричилар ҳам қунутни “итоаткорлик” дейишган, чунки киши агар бошқа бир кишининг айтганини қилса ва унинг ишлари билан шуғулланса, унга итоат этаётган ҳисобланади.

Ибн Касир тафсирида “қунут” бу итоат деб, қуйидаги оятлар келтирилади: “**Ёки кечалари сажда қилган ва тик турган ҳолда ибодат қилувчи, охиратдан қўрқадиган ва Парвадигорининг раҳматидан умид қиладиган киши** (билан бошқалар баробарми?!)” (Зумар, 9), “...**ва** (намозда) **Аллоҳга бўйсунган ҳолатда** (камтарлик билан) **турингиз!**” (Бақара, 238).

“...ростгўй эркаклар ва ростгўй аёллар...” Бу ҳақда кўп яхши гаплар айтилган. Чунки ростгўйлик мақталган сифатлардандир. Шунинг учун баъзи саҳобалар ҳатто жоҳилият

даврида ҳам ёлгон гапирмаганлари маълум. Тўғрисўзлик имон аломатларидан, ёлгончилик эса мунофиқлик аломатларидан. Ким ростгўй бўлса, нажот топади. Ибн Масъуддан бундай ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Тўғрисўз бўлинглар, чунки тўғрисўзлик яхшиликка етаклайди, яхшилик эса жаннатга олиб киради. Ёлгондан четланинглар, чунки ёлгон гуноҳга бошлайди, гуноҳ эса дўзахга етаклайди. Киши доим рост гапиради, ростгўй бўлишга интилади, ҳатто Аллоҳнинг ҳузурида “сиддиқ” деб ёзилади. Яна бир киши доим ёлгон гапиради, ёлгон сўзлашга интилаверади, ҳатто Аллоҳнинг ҳузурида “каззоб” деб ёзилади» (*Бухорий, Муслим ва Термизий*).


**“...сабрли эркаклар ва сабрли аёллар...”** Мусибатларга сабр қилиш, бу саботли кишиларнинг сифатларидандир. Яъни, мусибат Аллоҳнинг иродасида борлиги ва ундан қочиб қутулиб бўлмаслигини билиш. Имом Муслим бундай ривоят қилади: “Мўминнинг ишига ажабланасан, Аллоҳ унинг тақдирига нима битса, унга яхшилик бўлаверади: агар унга хурсандчилик етса, шукр қилади ва унга яхшилик бўлиб ёзилади. Агар бошига мусибат тушса, сабр қилади, бу ҳам унга яхшилик бўлиб ёзилади”.

Кишининг сабри мусибатнинг биринчи зарбасида билинади. Яъни, ўша мусибат ва кўнгилсизликни эшитган ҳамда қийналиб турган вақтида унинг қандай сабрли экани маълум бўлади, чунки ундан кейин кўникиб қолгани учун сабр қилиш осонроқ бўлади. Ана ўша биринчиси ҳақиқий сабрдир.

**“...тавозели (камтар) эркаклар ва тавозели аёллар,..”** Оятда келган “خَاشِعِينَ” “хошиъин” сўзи “خَشَعٌ” “хушъ” сўзи билан ўзакдош бўлиб, “сокинлик”, “хотиржамлик”, “хокисорлик”, “камтарлик” каби маъноларни билдиради. Хушънинг асли қалбдаги қўрқувдир. Ундан кўзланган асосий мақсад Аллоҳдан қўрқиш ва Унинг кузатиб турганини билиш. Бу ҳақда ҳазрат Умардан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Аллоҳга гўё Уни кўриб турганингдек ибодат қил. Агар сен Уни кўрмасанг ҳам У сени кўриб турибди” дедилар» (*Муслим ривояти*).

Ҳасаннинг (розияллоҳу анҳу) тафсирига кўра: “Улар Аллоҳдан ҳар қандай ҳолатда ҳам қўрқадилар, Ундан бошқасидан қўрқмайдилар, Аллоҳнинг ўзидангина умид қиладилар, ўзгандан умид қилмайдилар”.

Мўътазила тоифаси эса ўзларининг ёмон амалларидан қўрқадилар ва Аллоҳнинг ўзидангина эмас, қилган яхши ишларидан умид





қиладилар. Шунингдек, улар Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шафоатларини ҳам инкор этадилар ва банда фақат қилган амалларидангина умид қилиши мумкин, дейдилар.

**“...садақа қилувчи эркаклар ва садақа қилувчи аёллар...”** Садақа бу – эҳтиёжманд, заифҳол кишиларга, касб-кори ёки боқувчисиз бўлмаган кишиларга бериладиган эҳсон.

Имом Бухорий ва Муслимдан қилинган ривоятда: “Аллоҳнинг паноҳидан ўзга паноҳ бўлмайдиган кунда, Аллоҳ етти тоифа кишиларни ўзининг паноҳига олади” дейилиб, улар қаторида садақасини яшириб берувчилар ҳам саналади: “Садақасини яширин тарзда берган киши, ҳатто ўнг қўли берган нарсасини чап қўли ҳам билмай қолади”, деб таърифланган.

Бошқа бир ўринда бундай марҳамат қилинади: “Садақа худди сув оловни ўчиргани каби хатолар (гуноҳлар)ни ўчиради”. Анас ибн Моликдан (розияллоҳу анху) ривоят қилинган ҳадисда бундай марҳамат қилинади: “Садақа Парвардигорнинг ғазабини сўндиради, ёмон ўлимдан асрайди” (*Имом Термизий*).

**“...рўза тутувчи эркаклар ва рўза тутувчи аёллар...”** Ибн Можадан (розияллоҳу анху) бундай ривоят қилинган: “Рўза баданнинг закотидир”. Яъни, баданни ҳам шаръий, ҳам жисмоний томондан ёмонликлардан поклашдир. Саъид ибн Жубайр (розияллоҳу анху) айтади: “Ким Рамазон ойида ўттиз кун ва ҳар ойда уч кундан рўза тутса, ушбу оятда айтилган инсонлар қаторига қиради.

**“...авратларини (ҳаромдан) сақловчи эркаклар ва (авратларини ҳаромдан) сақловчи аёллар...”** Яъни, улар авратларини ҳаром ишлар ва гуноҳлар ҳамда бегона назардан сақлайдилар.

**“...Аллоҳни кўп зикр этувчи эркаклар ва (Аллоҳни кўп) зикр этувчи аёллар...”** Баъзи олимлар бу оятда беш вақт намозни адо этувчилар назарда тутилган, дейишади. Баъзилари эса, “Тиллари ҳар доим Аллоҳни зикр қилиб юрувчилар”, деб тафсир қилишган.

Абу Хурайрадан ривоят қилинишича, Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Муфридлар олдинга ўтиб кетишди”. Улар “Муфридлар кимлар?” дейишди. Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: “Аллоҳни кўп зикр этувчи эркаклар ва (Аллоҳни кўп) зикр этувчи аёллар”.

Муоз Жуханийдан ривоят қилинади: “Бир киши Расулulloҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сўради: “Қайси мужоҳидларнинг даражаси энг баланд?” Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Аллоҳни кўп зикр қилувчиларнинг”, дедилар. Яна сўради: “Рўздорларнинг энг кўп савоб оладиганлари қайси?” Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Аллоҳни кўп зикр қилувчилари”, дедилар. Сўнг ўша киши намоз, закот, ҳаж ва садақа ҳақида сўради. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳар бир савобга: “Аллоҳни кўп зикр қилувчилари”, деб жавоб бердилар. Абу Бакр (розияллоҳу анху) Умарга (розияллоҳу анху): “Аллоҳни зикр қилувчилар ҳар бир ишда ўзлари билан яхшиликни олиб кетдилар” деди. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ана шундай”, дедилар.

Муоз ибн Жабал ривоят қилади: “Одам боласи Аллоҳнинг азобидан қутқарадиган ишлар орасида Аллоҳни зикр этиш каби бирор иш қила олмайди”. Яъни, инсон боласи Аллоҳнинг азобидан қутулиш учун кўп иш қилади, лекин бу ишлар орасида Аллоҳни зикр этиш энг афзал амалдир.

**“...улар учун Аллоҳ мағфират ва улғ мукофотни (яъни жаннатни) тайёрлаб қўйгандир”.** Оятнинг охирида ана шу юқорида санаб ўтилган инсонларга Аллоҳ таоло уларнинг гуноҳларини мағфират қилиши ва улкан мукофот – жаннатни тайёрлаб қўйганини айтмоқда.

Аллоҳ таолонинг мана шу улкан мукофоти барчамизга насиб этсин!

Абу Мансур Мотуридийнинг  
“Таъвилот аҳл ас-сунна”,  
Ибн Касирнинг “Тафсийрул Қуръанил азийм”,  
тафсирлари асосида  
**Бадриддин САДРИДДИН Ўғли**  
тайёрлади.

**Ўзбекистон Республикасининг Қонуни  
Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун  
ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш  
тўғрисида**

**10-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012 – XII сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига**

1) 17-модданинг тўртинчи қисми “123” рақамидан кейин “125<sup>1</sup>” рақами билан тўлдирилсин.

2) қуйидаги мазмундаги 125<sup>1</sup>-модда билан тўлдирилсин:  
«125<sup>1</sup>-модда. Никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш

Никоҳ ёшига етмаган шахс билан ҳақиқатда никоҳ муносабатларига киришиш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, — энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч ойгача қамоқ билан жазоланади.

Ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан никоҳ ёшига етмаган шахсни эрга бериш ёхуд уйлантириш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, — энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари, ёхуд тўрт ойгача қамоқ билан жазоланади.

Никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга ошириш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, — энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари, ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади».

**11-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015 – XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига**

1) қуйидаги мазмундаги 47<sup>3</sup>-модда билан тўлдирилсин.  
«47<sup>3</sup>-модда. Никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш

Никоҳ ёшига етмаган шахс билан ҳақиқатда никоҳ муносабатларига киришиш, —

энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан никоҳ ёшига етмаган шахсни эрга бериш ёхуд уйлантириш, —

энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга ошириш, — энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади».

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 18-сон, 233-модда.)



**Усмонхон АЛИМОВ,**  
Ўзбекистон муслмонлари  
идораси раиси, муфтий

## Маърифат – ҳаёт мезони

Мустақиллик йилларида ёш авлодни илм-маърифатли этиб тарбиялаш ва одоб-ахлоқини юқори даражага кўтариш масаласи устувор вазифага айланди. Йигит-қизларимиз ақлу заковатли бўлиб улғайиши, илм ва касб-ҳунар эгаллаши учун замон талабларидаги барча имкониятлар яратиб берилди. Бундай ислохотлар натижасида фарзандларимиз улкан ютуқ ва муваффақиятларга эришмоқда. Пайғамбаримиз: (соллаллоху алайҳи ва саллам) “Кишининг ўз фарзандини чиройли одоб-ахлоқ билан тарбиялаши кўп миқдорда қилган нафл садақасидан яхшироқдир”, деганлар.

Жамиятимизда таълим ва тарбия соҳасида қабул қилинган қонунларга риоя қилиш ҳар бир кишининг муҳим бурчи ҳисобланади. Ўрта мактабни тамомлаш, коллеж ёки лицейда бирон-бир касб-ҳунарни эгаллаш, ҳаёт деб аталмиш кенг қамровли майдонга тушиш олдида, турмуш ва оила кўникмаларини тасаввур қилиш учун бир муддат вақт керак, албатта.

Пайғамбаримиз: (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) “Ҳар бирингиз раҳбарсиз ва қўл остингиздагиларга масъулсиз, – деб таъкидлаганларидек, ота-оналар, таълим ва тарбия соҳаси ходимлари бу ишга жавобгар эканларини қалбдан ҳис қилмоқлари лозим.

Шу ўринда ибратли бир ривоятни келтириб ўтиш ўринли: “Мажлислардан бирида Ҳасан Басрий (раҳимаҳумаллоҳ) ҳамсуҳбатларидан: “Экин пишиб етилганидан сўнг нима қилинади?” деб сўрабдилар. “Ҳосил йиғиб олинади”, деб жавоб беришибди. “Шуни билинглarki, гоҳида экин пишиб етилмасидан олдин унга офат-касаллик етиши ҳам мумкин”, деб фарзанд тарбиясига лоқайд бўлинганида оқибати ёмон бўлишига ишора қилган эканлар.

Бугун энг долзарб вазифаларимиздан бири ва келгусида она, оила бекаси бўладиган қизларимизга эътиборли бўлишимиздир. Бу ҳолатда инсоний масъулиятни чуқур англаган ҳолда иш тутмоғимиз лозим. Улар, катта ҳаёт мактаби, оила кўрғонининг муносиб бекаси бўлишида, хусусан, ота-оналарнинг муҳим бурчи ва вазифа эканини унутмаслигимиз керак. Қизларни эрта турмушга узатиш натижасида келиб чиқадиган барча салбий ҳолатларнинг олдини олишимиз зарур. Соғлом она – соғлом фарзанд қоидасини ҳаётга татбиқ этиш орқали жамиятимизда баркамол фарзандларни дунёга келиши нақадар аҳамиятли

эканини англашимиз лозим. Қизларимиз турмушга чиққунларига қадар оила, фарзанд тарбияси, эр ва қайнона-қайнота олдидаги бурч-вазифаларини чуқур англаши керак.

Афсус, бугун никоҳ ёшига етмай, турмуш қурган қизларнинг ҳаёти аянчли кечмоқда. Бунга, аввало, ота-оналарнинг бепарволиги, қолаверса, барча мутасаддиларнинг эътиборсизлиги сабаб бўлмоқда. Айни пайтда тиббий кўрик ва ФХДЁ гувоҳномаси олинмай қилинган никоҳнинг салбий оқибатлари барчани ташвишга солмоқда. Шуни унутмаслик лозимки, қизларни бирор касб-ҳунар ўргатмасдан, эрта турмушга беришнинг ўзиёқ катта хато. Ёш оилалар ўртасида содир бўлаётган ажралишларга айнан қизларнинг ёшлиги, рўзғордаги тажрибасизлиги, оила ҳаётига ҳали тайёр эмаслиги ва уқувсизлиги ҳам сабаб бўлаётгир.

Айрим ота-оналар шаръий никоҳ маросимларини никоҳга доир аркон, шарт ва одо-бларни яхши билмайдиган, чаласавод, норасмий кишиларга топширишлари натижасида, бўлажак оилалар ўзларининг бурч-вазифа ва масъулиятларини яхши билмасликлари оқибатида эр-хотин, келин ва қайноналар ўртасида турли кўнгилсизликлар юз бермоқда. Бўлажак янги оилалар тиббий кўриқдан ўтиб, гувоҳнома олишлари уларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашда муҳим омилдир.

Жоме масжидларнинг имом-хатиблари бурч ва масъулиятларидан келиб чиққан ҳолда никоҳ маросимларида келин-куёвларга насиҳатларида мана шу муҳим жиҳатларга алоҳида диққат қилишлари талаб этилади. Зеро, оиланинг тинчлиги ва мустаҳкамлиги шариатимизнинг муҳим талабларидан биридир. Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади: **“...Аҳли аёлларингиз билан чиройли муомалада бўлиб яшангизлар...”**


Аллоҳ таоло ёшларимизни ҳусни хулқ ва илм-маърифат билан зийнатлаб, яхши тарбия этаётган муҳтарам ота-оналарни икки дунё саодатига мушарраф айласин.





Давоми, бошланиши 1-саҳифада

# Ойларнинг султони



Зеро, Пайғамбаримиз (соллаллоху алайҳи ва саллам) ортиқча тўйган қорин ҳам Аллоҳнинг ғазабини келтиришини айтганлар.

3. Пайғамбарлар ва сиддиқларнинг рўзаси. Бунда юқорида айтилганлар билан бирга бутун вужуд, қалб ҳам рўза тутати, ҳатто фикр, дил рўзадор бўлади.

Аллоҳ таоло қудсий ҳадисда айтади: “Кимда-ким Мен ҳаром қилган нарсалардан аъзоларини тиймаса, менинг учун рўза тутиб, таомдан ва ичимликдан тийилишига ҳожат йўқ”. Ёмон ишлардан ва ҳаром луқмадан тийилмасдан туриб, тутилган рўзада хайр ҳам, савоб ҳам бўлмайди. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом): “Қанчадан-қанча рўзадорлар оч ва чанқоқ қолдилар”, деб марҳамат қилганлар. Яъни, фақат очиққанлари, чанқаганлари қолди. Гуноҳлардан тийилмаганлари боис ҳеч бир савоб ололмадилар.

Демак, рамазон ойида бутун вужуд билан бирга қалб ҳам рўза тутати. Ҳатто ўй-фикри, кўнгли рўзадор бўлади.

Тилагимиз фазилатларга бой рамазон ойини чинакам мусулмонга хос тақво ҳамда хурсандчилик билан ўтказайлик. Умид ва ихлос ила тутган рўзаларимизни Аллоҳ таоло даргоҳида қабул этишини сўраб қоламиз.

**Хайрулло ТОҒАЕВ,**  
“Пул эмас ота” жоме мас-  
жиди имом-хатиби

## БАҒРИКЕНГЛИК ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

28 май куни Миллий матбуот марказида “Ўзбекистонда виждон эркинлигининг амалий ифодаси” мавзуида анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманни Дин ишлари бўйича қўмита раиси Ортиқбек Юсупов очиб, Ўзбекистонда фуқароларнинг виждон ва диний эркинлик борасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, бағрикенглик ва динлараро дўстлик-ҳамкорликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Шу билан бирга, юртимизда маънавий, тарихий қадриятлар, Ислом маданияти ва маърифатини тиклаш, ривожлантириш, зиёратгоҳлар, тарихий қадамжоларни таъмирлаш ва ободонлаштириш йўлида амалга оширилаётган ибратли ишларни қайд этди.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов, Тошкент Ислом университети ректори Равшан Абдуллаев ва бошқалар мамлакатимизда яшаётган миллат ва элатлар ўртасидаги меҳр-оқибат, мурув-



ват ва саховат замонлар силсиласида синондан ўтганини, миллатлараро дўстликнинг олий намунаси сифатида шаклланишини таъкидлашди.

Рус Православ черкови Тошкент ва Ўзбекистон епархиеси митрополити Викентий, Рим католик черкови епископи Е. Мацулевич, Тошкент шаҳар яҳудийлар жамоаси раввини Б. Абрамчаев Ўзбекистондаги диний ва миллатлараро тотувликни сақлаш борасидаги ишлар кўп мамлакатларга намуна бўлишга аризулик эканини гапиришди.

**Муҳаммад СИДДИҚ**

## КИТОБ БАЙРАМИ

23–24 май кунлари «Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор» шиори остида Ўзбекистон бўйлаб Китоб байрами ўтказилди. Китоб байрами доирасида «Энг яхши китобхон», «Китобхон оила» каби мавзуларда интеллектуал ўйинлар ўтказилди. Адиблар, шоирлар, рассомлар, муҳаррирлар билан ижодий учрашувлар, китоб кўргазмалари ташкил этилди.

«Китоб – миллатнинг бебаҳо маънавий ва маданий мероси» мавзуида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

## МЕҲМОНЛАРИМИЗ

21 май куни Ҳиндистон вице-президенти Муҳаммад Ҳамид Ансорий бошлиқ меҳмонлар “Ҳазрати Имом” мажмуасига ташриф буюришди. Меҳмонларга мажмуанинг барпо этилиши, унда янги бунёд этилган бинолар ҳамда таъмирланган қадимий меъморий ёдгорликлар ҳақида маълумот берилди. Шунингдек, улар Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонасидаги нодир қўлёзмалар ва китоблар тарихи билан танишишди, ҳазрат Усмон Мусхафани зиёрат қилишди.

# Аҳнаф ибн Қайс

(раҳматуллоҳи алайҳ)



**Тўлиқ исми – Аҳнаф ибн Қайс ибн Муовия ибн Ҳасин Абу Бахр Тамимий. Асл исми Даҳҳок. Бир ривоятда Сохр дейилган. Оёқлари озғинлиги учун “Аҳнаф” (оёғи ингичка) деб танилди. Сулаймон ибн Абу Шайх (розияллоҳу анҳу) айтади: “Унинг исми Сохр ибн Қайс. Бани Саъд қабиласидан”.**

Аҳнаф ибн Қайс (раҳматуллоҳи алайҳ) куч-қувват, мол-дунё, насаб улуғлиги билан эмас, хилми ва ақли билан Тамим қабиласининг эътиборли кишисига айланди. Марв, Ҳирот ва Нишопур фотиҳларидан бўлди.

*Фазилати:* Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) тирикликларида Исломни қабул қилди, лекин у зотни (алайҳиссалом) кўриш Аҳнафга (раҳматуллоҳи алайҳ) насиб этмади. Ўзи бундай ривоят қилади: “Ҳазрат Усмон ибн Аффон (розияллоҳу анҳу) замони эди. Каъбани тавоф қилаётган эдим. Олдимга Бани Лайс қабиласидан бир киши келиб, қўлимдан тутди ва: “Сени қувонтирадиган бир гап айтмайми?” деди. Мен: “Ҳа”, дедим. У: “Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мени Исломга чақирдиш учун Бани Саъд қабиласига юборган эдилар. Эслайсанми? Ўшанда мен уларга Ислом ҳақида сўзлаётган эдим, сен эса: “Бу киши яхшиликка чақиряпти. Мен ундан фақат яхши нарсани эшитяпман”, деб айтиб турган эдинг. Бунга Пайғамбаримизга (алайҳиссалом) сўзлаб берганимда, у зот (алайҳиссалом): “Аллоҳ, Аҳнафнинг гуноҳини афв эт”, деб сенинг ҳақингга дуо қилдилар, деди. Мени ана шу дуодан бошқа

умид боғлайдиган нарсам йўқ” (*Имом Аҳмад*).

Холид ибн Сафвон (розияллоҳу анҳу) айтади: “Ҳазрат Аҳнаф шуҳрат топишдан қочарди. Шуҳрат эса уни қуварди”.

Бир куни Аҳнафга: “Кексайиб қолгансан, рўза сени толиқтириб қўяди”, дейишди. У: “Мен рўзани узоқ сафарга олиб қўймоқдаман”, деб жавоб берди. Айтишларича, Аҳнаф (раҳматуллоҳи алайҳ) тунда кўп намоз ўқирди. Кечалари бармоғини шамга қўяр ва: “Эй Аҳнаф, ҳис этиб кўр, ўша куни бу ишни нима сабабдан қилдинг?” деб ўзини-ўзи сўроқ қиларди.

*Ҳадис ривоят қилиши:* Аҳнаф ибн Қайс ҳазрат Умар (розияллоҳу анҳу) замонида Мадинага келди. Бу унга улуғ саҳобалардан Ислом дини таълимотини ўрганиш имконини берди ва ҳаётида катта из қолдиришига сабаб бўлди. Умар ибн Хаттоб, Али ибн Абу Толиб, Абу Зарр Гифорий, Аббос ибн Абдулмуттолиб, Абдуллоҳ ибн Масъуд, Усмон ибн Аффон (розияллоҳу анҳум) ва бошқа саҳобалардан ҳадис ривоят қилди. Ундан (раҳматуллоҳи алайҳ) эса Амр ибн Жаввон, Ҳасан Басрий, Урва ибн Зубайр, Талоқ ибн Ҳубайб, Абдуллоҳ ибн Умайра, Язид ибн Шаҳир, Холид

Усрий (раҳимаҳумуллоҳ) ва бошқалар ҳадис ривоят қилишди. Ибн Саъд (раҳматуллоҳи алайҳ) Аҳнаф ибн Қайс (раҳматуллоҳи алайҳ) ҳақида: “Оз, лекин ишончли ҳадислар ривоят қилган”, деб айтган.

Ҳазрат Умар (розияллоҳу анҳу) Аҳнафга насиҳат қилиб бундай деди: “Эй Аҳнаф, ким кўп кулса, ҳайбати камаяди, одамлар назаридан қолади. Кўп гапирган кишининг хатоси кўпаяди. Хатоси кўп кишининг ҳаёси озаяди, ҳаёси камайганнинг таквоси йўқолади, таквоси йўқнинг қалби ўлади”.

**Ҳилми:** Сулаймон Таймий (раҳматуллоҳи алайҳ) ривоят қилади: Аҳнаф (раҳматуллоҳи алайҳ) айтади: “Учта энг азиз нарсани зикр қиламан: Султоннинг эшигига фақат мени чақирганида бордим. Икки киши мени ораларига киритмагунча, улар ўрталарига киришга уринмадим. Ёнимдан кетган ҳаммани ортидан фақат яхшилик билан эсладим”.

Аҳнаф (раҳматуллоҳи алайҳ) айтади: “Менга қарши бўлган киши билан бундай муомалада бўлдим: Мендан катта бўлса, ёшини улўғладим. Ёш бўлса, ундан устун келишга ҳаракат қилмадим. Тенгдошим бўлса, унга илтифот кўрсатдим”.

**Ҳикматли сўзлари:** “Уч кишидан уч нарсани кутилмайди: Пасткашдан шараф, фожирдан яхшилик, аҳмоқдан ҳалимлик”; “Ким одамлар ёқтирмаган нарсаларни гапирса ёки қилса, одамлар у ҳақда билмаган нарсаларини айтиб юборишади”; “Олижаноблик сир сақлаш ва ёмонликдан узоқ бўлишдир”. “Хатосини англаб юрган одам комил инсондир”; “Амалсиз гапда, саховатсиз молда, вафосиз дўстда, диёнатсиз фақиҳда, ниётсиз садақада, соғлиқ ва омонликсиз ҳаётда яхшилик йўқ”.

**Вафоти:** Асмои ривоят қилади: “Аҳнаф ибн Қайс (раҳматуллоҳи алайҳ) Куфа шаҳрида Мусъаб ибн Зубайрнинг (раҳимаҳумуллоҳ) амирлигида ҳижратнинг 72 йили вафот этди. Зиёд ибн Абу Суфённинг (раҳматуллоҳи алайҳ) қабри ёнига дафн қилинди. Мусъаб ибн Зубайр унинг жанозасида иштирок этди ва: “Бугун арабнинг саййидидан айрилдик”, деди.

**Иқболой НАРИМОНОВА**  
тайёрлади.

## Сизга ўхшайман!

Фарзандим дунёга келди. Бу хабарни “Самолётга улгура олармиканман?” деган хавотирли хаёл билан банд пайтимда эшитдим...

Мен ҳали у, ҳали бу жойларда сафарда эканман, юришни ўрганди, гапиришни ҳам... Бир оз катта бўлгач, “Сизга ўхшашни хоҳлайман, дадажон. Катта бўлганимда худди сиздек бўламан”, деган гапини эшитиб, бошим осмонга етди.

Кун бўйи ишхонамга неча маргалаб телефон қилар, “Қачон келасиз? Эртароқ қайтинг”, деб такрорларди.

– Хўп, ўғлим, хўп, иложи борица эртароқ бораман, кейин бирга ўйнаймиз...

Шу тарзда йиллар ўтди. Ўғлим ўн ёшга кирди. Туғилган кунига копток олдим. Жудаям суюнди. Бўйнимдан қучоқлаб, раҳмат айтди. Кейин:

– Дада, бирга ўйнамаймизми? – деди қувнок овозда.

– Ўйнаймиз, албатта, ўғлим. Фақат ҳозир эмас, ишларимни битирай, хотиржам бирор жойга бориб, яйраб тўп тепамиз.

– Ростан оборасиз-а? – сўради севиниб. Кейин қўшиб қўйди: – Катта бўлсам, сизга ўхшайман!

Ўғлим олдин мактабни, кейин университетни яхши баҳоларга тугатди. Дипломини олган кунни қучоқлаб табрикладим: “Сен билан фахрланаман”, дедим кўзимга ёш тўлиб. Ўша кунни у билан гаплашгим келди. “Бугун бир суҳбатлашиб ўтирайликми?” дедим. “Зўр бўларди, дада. Қанча йиллардан бери холи ўтириб гаплашмадик, – жавоб берди. – Лекин, дада, хафа бўлманг, бугун ўртоқларимга сўз берганман-да...”

Кейин нафақага чиқдим. Нафақадаги одамда энг кўп нарса бўш вақт. Зерикканимда узоқ шаҳарда ишлаётган ўғлимга телефон қилардим, унинг эса гаплашишга камдан-кам фурсати бўларди, доим бир жойга шошилиб турарди. “Вақт топишим билан бораман, дадажон. Ўзимам соғиндим. Ишларни кўрмайсизми, кундан-кунга кўпайса кўпайяпти, камаймайди. Балки келаси ҳафтага имкон топарман...”

Аммо ўғлимнинг “келаси ҳафта”си ҳеч келмади. Бир сафарги шундай суҳбатдан кейин битта ҳақиқатни тушундим – ўғлим мақсадига етибди. Доим менга ўхшашни орзу қиларди. Улғайиб, худди менинг ўзим бўлибди...

**Зумрад ФОЗИЛЖОН қизи**  
тайёрлади.



# СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

Саволларингизга Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий  
Усмонхон АЛИМОВ жавоб беради.



**Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳ. Ҳурматли Муфтий ҳазратлари!**

**Савол:** **Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) меърожлари ҳақидаги битикларнинг баъзисида у зотнинг руҳлари осмонга кўтарилган, дейилса, бошқаларида жасад ва руҳлари бирга осмонга кўтарилган дейилади. Меърож ҳақида бизнинг ақидамиз қандай бўлиши лозим?**

**Жавоб:** Алҳамду лиллаҳ, вассолату вассаламу ала росулиллаҳ. Амма баъд. Меърож воқеасидан олдин Исро бўлган.

“Исро” сўзи тунги сайр маъносини билдиради. Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) тунда бир зумда Маккадан Қуддусга боришлари “Исро” дейилади. Бу воқеа ҳақида Қуръони каримда бундай марҳамат қилинади: “(Ўз) **бандаси (Муҳаммад)ни, унга мўъжизаларимиздан кўрсатиш учун тунда, (Маккадаги) Масжидул Ҳаромдан (Қуддусдаги) Биз атрофини баракотли қилиб қўйган Масжидул Ақсога сайр қилдирган Зотга тасбеҳ айтилув. Дарҳақиқат, У эшитувчи ва кўрувчидир**” (Исро, 1).

Исро воқеаси оят билан тасдиқ этилгани учун, уни инкор қилган киши диндан чиқади.

“Меърож” – “кўтарилиш”, “юксалиш” маъноларини билдиради. Меърож дейилганида, Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Масжидул Ақсодан осмонга кўтарилганлари тушунилади. Пайғамбаримиз уйғоқлик ҳолларида, жасадлари билан меърожга чиққанлар. Пайғамбаримизнинг меърожларини инкор қилган кимса суннат ва жамоа аҳли ҳисобланмайди.

**Савол:** **Бир дўстим суннат намозларида рукудан қайтиб, қаддини тик қилмай, саждага кетишини кўриб қолдим. Кейин билсам, дўстим доим шундай қилар экан. Бунинг намозга зарари йўқми?**

**Жавоб:** Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) намозни ёв қувгандай шоша-пиша ўқиб, ҳузурларига келган бир саҳобийга уч қайта: “Сен намоз ўқимадинг!” деб танбеҳ берганлар. Сўнг, “Намозни хотиржамлик билан ўқигин. Руку ва саждалар орасида аъзоларинг таскин топгунча бир зум тин ол”, деб таълим берганлар.

Яна Расули ақрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) намозни апил-тапил ўқийдиганларни “намоз ўғриси” деб атаганлар ва “Энг ёмон ўғри намоз ўғрисиدير!” деганлар.

Аллоҳ таборака ва таоло барчамизга хушув ва ҳузув билан ибодат қилиш шарафини насиб этсин!

**Савол:** **Нима учун Худога “Сен”лаб дуо қилинади? Бу ҳурматсизлик бўлмайдими?**

**Жавоб:** Йўқ, Аллоҳ таолога “Сен”лаб хитоб қилиш ҳурматсизликка кирмайди. Ислом тавҳид динидир. Аллоҳ таолонинг ягоналигини таъкидлаш учун ҳам Унга “Сен” деб хитоб қилинади.

**Савол:** **Менинг нисобга етган маблағим бор. Аммо ўзим ижара уйда яшайман. Мен закот беришим керакми?**

**Жавоб:** Маблағингиз асл эҳтиёжингиздан ортиб, нисобга етган бўлса ва унга бир қамарий йил тўлса, закот берасиз.

**Савол:** **Закот бериши керак бўлган, бироқ беришга улгурмай вафот этган кишининг меросидан закот бериладими?**

**Жавоб:** Йўқ, берилмайди. Аммо ушрини беришга улгурмай вафот этган кишининг олган ҳосилидан ушр берилади (“Фатовойи Ҳиндия”).

**Савол: Закот фарз бўлиши учун қандай шартлар бор?**

**Жавоб:** Закотнинг фарз бўлиши учун ушбу шартлар бўлиши керак:

1. Хуррият. Закот берадиган одам озод бўлиши керак. Қулга закот фарз эмас; 2. Ислон. Закот мусулмонга фарз бўлади; 3. Ақл ва булуғ. Нисобга етган мол эгасининг ақли жойида ва балоғатга етган бўлиши лозим. Аммо ушр (экинлардан олинадиган закот) ёш бола ва ақли заифнинг еридан ҳам олинади; 4. Мол нисобга етиши лозим; 5. Молга тўлиқ эгалик қилиш; 6. Нисоб асл эҳтиёжидан ортиқ бўлиши; 7. Бандалардан қарзи бўлмаслик; 8. Молнинг ўсувчи бўлиши; 9. Нисоб миқдорига етган молга бир қамарий йил тўлиши (“Фатовойи Ҳиндия”).

**Савол: Ўзининг опа-синглисига, ака-укасига закот берса бўладими?**

**Жавоб:** Бўлади. Ўзининг ака-укаси, опа-сингилларига берилган закотнинг савоби яна ҳам улғудир. Чунки бу билан ҳам закот фарзи адо этилган бўлади, ҳам қариндош-уруғчилик алоқалари, ўзаро меҳр-муҳаббат ришталари мустаҳкамланади.

**Савол: Закотни кимларга бериб бўлмайди ва қайси ўринларга сарфлаб бўлмайди?**

**Жавоб:** 1. Мусулмон бўлмаган кимсага, гарчи камбағал бўлса ҳам; 2. Эҳтиёжидан ортиқ қумуш нисобидаги моли бўлганларга берилмайди; 3. Бой кишининг кичик ёшдаги ўғлига ҳам бериб бўлмайди; 4. Ота-она, бобо-буви... ва фарзанд-набираларга бериб бўлмайди; 5. Ҳошимийларга ҳам бериб бўлмайди; 6. Киши закотини хотинига ҳам беролмайди; 7. Закот молдан бирор марҳумнинг қарзини ҳам тўлаб бўлмайди; 8. Закот молини масжидларни қуриш, таъмирлаш ва ўликни кафанлаш харажатларига ишлатиш жоиз эмас.

**Савол: Бир бой одамнинг ижарага берган уйи бўлса ва у ижарада ўтирган кишига “Закотим ҳисобидан ижарада ўтиравер”, деса, закотини ўтаган бўладими?**

**Жавоб:** Йўқ, бўлмайди. Чунки закот нақд ҳолда, қўлга тегадиган маблағ ёки мол кўринишида бўлиши керак (“Фатовойи Ҳиндия”).

**Савол: Бир киши рамазонда рўза тутганини унутиб еб-ичса ёки жимо қилса, кейин рўзалиги эсига тушса-ю, рўзам бузилди, деган ўйда ўз ишида давом этаверса, унга қазо вожиб бўладими ёки каффоратми?**

**Жавоб:** Имоми Аъзам қавлларига кўра, бундай одамга қазо вожиб бўлади, каффорат вожиб бўлмайди (“Хулоса”).

**Савол: Оғиз очилганидан кейин дарҳол шомга турган яхшими ёки олдин ифтор қилиб олган маъқулми?**

**Жавоб:** Ифторга шошилган афзал. Шом намозидан олдин ифтор қилиб олиш мустаҳабдир (“Фатовойи Ҳиндия”).

**Савол: Саҳарликни вақти чиқиб кетгунига қадар кечиктириш керак, деб эшитдим, шу тўғрими?**

**Жавоб:** Саҳарликни кечиктириш мустаҳаб (“Ниҳоя”). Аммо шубҳа ҳосил бўладиган вақтгача кечиктириш макруҳдир (“Сирожул ваҳҳож”).

**Савол: Мен оғиз очиш дуосини ҳеч ёдлай олмаяпман. Дуонинг мазмунини ўқиса ҳам бўладими? Ушбу дуонинг мазмунини айтиб берсангиз.**

**Жавоб:** Оғиз очиш дуосининг арабча матнини ёдлай олмаган одам мазмунини ҳам ўқиши жоиз. Дуонинг мазмуни бундир: “Ё Аллоҳ! Сенга имон келтириб, Сен учун рўза тутдим. Сенга таваккул қилдим, Сен берган ризқ билан ифтор қилдим. Эй гуноҳларни Кечиргувчи, марҳаматлиларнинг Марҳаматлиси! Ўз раҳматинг билан олдинги ва кейинги гуноҳларимни кечир. Омин!”

**Нўъмон АБДУЛМАЖИД**  
ёзиб олди.

# Оламнинг олтин қонуни



Меъёр азал-азалдан борлиқнинг олтин қонуни сифатида қадрланиб, ижтимоий ҳаётда, шахсий-оилавий турмушда, руҳий оламда ҳам унга амал қилишга интилиб келинади. “Меъёр” сўзи “олтин оралиқ”, чегара, маром, зарурий миқдор, мўътадиллик, мукамаллик, мувозанат каби тушунчаларни ўзида жамлайди. Бир сўз билан айтилса, табиатнинг ҳам, жамиятнинг ҳам тараққиёти ё таназзули меъёрга бўлган муносабатга, унга қай даражада амал қилинишига боғлиқдир.

“Кишининг ақли ёки ақлсизлигининг аломати ўз эҳтиёжидан ортиқча дунёга кўнгил қўймадлиги ёки кўнгил қўйишидадир”, дейди Аҳмад Дониш ҳазратлари. Ақли инсон фақат зарур даражада мол-дунё орттиради. Ақлсизлар эса бу борада меъёрни унутади. Мол-дунёга ҳирс қўяди. Натижада эса ўз бойликлари, ҳирс-ҳаваслари қулига айланиб, ҳаётнинг асл моҳиятидан беҳабар, бебаҳра ўтади. Меъёрнинг ҳар қандай кўринишдаги бузилиши хасталикларга сабаб бўлади.

Инсонга зийнат бахш этувчи сифат-фазилатлардан бири нафсни жиловлаб олиш, ейиш-ичишда меъёр сақлай билишдир. Бундай кишилар ҳамиша соғлом, бардам, хушсурат, яхши ахлоқ билан ажралиб туради. Баднафслик оқибатлари эса аянчлидир. Кўп ейиш оз ейишдан ҳам маҳрум қилади, дейди донолар. Яъни, овқатга ружу қўйиш соғлиқни издан чиқаради. Энг ёмони, нафси бузукликдан нафақат тана, балки кишининг табиати ҳам зарар кўради. Ақл-идрок хира тортади. Зеҳн ўтмаслашади, ўй-фикрлар ҳам бадбинлашади.

“Мол қадрини билгувчи кишилар ўринсиз ерга бир тийин сарф қилмас, ўрни келганида эса мол-дунёсини аямас. Саховатнинг зидди бахиллик бўлгани каби, иқтисоднинг зидди исрофдир. Аллоҳ таоло исроф қилгувчиларни суймас. Тежамкорликка риоя қилган кишилар эса ҳамма вақт тинч ва роҳатда яшайдилар”. Абдулла Авлоний бу сўзларини давом эттириб, сафоҳат, яъни исрофгарлик энг ёмон хулқлардан ҳисобланади, дейди.

Агар инсон ҳар бир хатти-ҳаракатида меъёрни сақлай билса, бу унга зийнат бағишлаши, меъёрни билмаслиги эса кўпдан-кўп нохушликларга сабаб бўлиши ҳадиси шарифларда қайта-қайта таъкидланади. Масалан, ўзаро муносабатларда ҳазил-ҳузулнинг ҳаддан ошиши охир-оқибат адоват келтириб чиқариши ёки кўп қулиш юздаги нурни кетказиши ҳақида огоҳлантирадилар Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам). Қудсий ҳадисда эса: “Эй одам боласи, кифоя қилгудек ризқинг туриб, ҳаддингдан оширадиган молни истайсан. Эй одам боласи, озга қаноат қилмайсан, кўпга ҳам тўймайсан. Эй одам боласи, тонг отиб кўз очар экансан, танинг сиҳат, оиланг тинч, бир кунлик таоминг бўлса бор, ортиқча бойликни ишташни қўй!” дея марҳамат қилинади. Биз ўз ҳаётимизда Қуръони карим амри, ҳазрат Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) суннатлари, донишманд аждодларимиз панд-насихатлари ҳамда анъаналари асосида яшасак, оламнинг олтин қонидасига амал қилган бўламиз ва икки дунё саодатига эришамиз, иншааллоҳ.

Тарбия ойи – муборак Рамазони шариф ҳам келди. Дарҳақиқат, инсон ботину зоҳири тарбиясида рўзанинг, Рамазон ойининг ўрни беқиёс. Рўзадорлик бизни чиниқтиради. Сабримиз, иродамиз қувватланади. Нафсимизга ҳокимлик қила бошлаймиз. Нафсини енга олган кишида эса бошқа инсоний фазилатлар, хусусан, сабр-қаноат туйғуси юзага келади, ҳаётида маром, мўътадиллик, меъёр изга тушади. Меъёр эса, иншааллоҳ, барча яхшиликлар, эзгуликлар сабабчисидир.

**Азимжон АЛИМЖОНОВ,**  
Олмалиқ шаҳар бош имом-хатиби



**Ҳар бир иш Аллоҳ таолонинг ирода-си билан бўлади. Парвардигоримиз биз бандаларни яхшилик билан ҳам, ёмонлик билан ҳам имтиҳон қилади. Касаллик, мол-мулкнинг касодга учраши, иш юришмаслиги, мол-дунёнинг кўпайиши каби-ларнинг барчаси синовдир. Мўмин барча ҳолда шариат буюрган тарзда йўл тутса, мусибатни Аллоҳдан деб билиб, барчасига сабр қилса, синовдан эсон-омон ўтади.**

## Мусибат ҳам Аллоҳдандир

Мўмин банда Аллоҳ таолонинг тақдир қилганига бўйсуниб: “Биз Аллоҳникимиз, албатта, унга қайтамыз”, дейиши керак. Касалликда: **“Унинг Ўзи менга шифо берур”** (*Шуаро, 80*), дея ўқиши ҳамда дори-дармонлар билан бир қаторда Қуръони карим ва ҳадиси шарифлардаги шифо бўлувчи дуоларни ўқиш яхшидир. Агар бирон-бир муаммо кўндаланг келса, сабр қилиб, унинг ечимини тўғри, ҳалол йўл билан ҳал этишга ҳаракат қилиш ва ҳеч қачон умидсизликка тушмаслик мақталган ишдир. Шунда Аллоҳ таолонинг: **“Айнан ўшалар сабр қилганлари сабабли (жаннатдаги) юксак даражалар билан мукофотланурлар ва у жойда (фаришталар томонидан) салом ва омонлик билан қарши олинурлар”** (*Фурқон, 75*), деб башорат берган бандалари қаторидан ўрин олинади.

Мусибатга сабр қилмасдан сеҳргар, фолбин коҳинга бориб, шифо ёки ёрдам сўраш шаръан ҳаромдир. Бу иш билан киши катта гуноҳ қилган бўлади. Уни ҳалол деса, Аллоҳ сақласин, диндан чиқади. Муаммолардан сиқилган баъзи кишилар гўё дардини енгиллатиш учун ичкиликка берилади. Натижада соғлиғига путур етади, хулқатвори ёмонлашади, бора-бора ароқхўрга айланади. Оиласининг тинчи бузилади, қўни-қўшнилар олдида уятга қолади. Аёли “Оилам тинчини ўз ўрнига қўяман”, деб сеҳргар, фолбинлар уйига серкатнов бўлиб қолади. Бир муаммо ўн, балки

юзлаб муаммога айланади. Буларнинг ҳаммаси шайтоннинг қадам-бақадам алдови бўлиб, мўмин уларга асло эргашмаслиги керак. Чунки бизларни Аллоҳ таоло бундай огоҳлантирган: **“Эй одамлар, ердаги ҳалол-поқ нарсалардан тановул қилингиз ва шайтоннинг изларидан эргашмангиз! Албатта, у сизларга аниқ душмандир. У сизларни фақатгина ёмонлик ва бузуқликка ва Аллоҳ шаънига ўзингиз билмаган нарсаларни гапиришингизга буюради”** (*Бақара, 168–169*).

Мусулмон мусибат етса, Аллоҳдан мадад сўрайди, муаммони ҳал этишда ақл ва маслаҳат билан иш кўради. Касаллик етса, дори-дармонлардан фойдаланади. Мусибатда шариат буюргандай йўл тутгани учун енгилликка, савобга ҳамда охиратдаги гўзал оқибатга эришади. Оиласи тинч ва фаровон, яқинлари орасида эътиборли кишига айланади. Зеро, Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади: **“Бас, албатта, ҳар бир қийинчилик билан бирга енгиллик бордир. Албатта, ҳар бир қийинчилик билан бирга енгиллик бордир”** (*Шарҳ, 5–6*).

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Ҳафса бинти Умар (розияллоҳу анҳо) билан ажрашмоқчи бўлганларида Ҳафса онамиз коҳин, сеҳргар ёки фолбинга мурожаат этмади. Балки нафл рўза тутиб, кўп намоз ўқиди. Сўнг Жаброил (алайҳиссалом) Пайғамбаримизга (алайҳиссалом): “Аллоҳ таоло сизга Ҳафсани (розияллоҳу анҳо) қайтариб олишингизни буюрмоқда. У рўзадор ва намозхон. Албатта, у жаннатдаги сизнинг аёлингиздир” (*Имом Ҳоким*), деб ваҳий олиб тушди.

Ер юзидаги барча сеҳргарлар тўпланишса ҳам, Аллоҳ таолонинг изнисиз ҳеч бир махлуққа сеҳрлари билан таъсир ўтказа олишмайди. Шунингдек, ҳеч бир муаммони салбий оқибатсиз ҳамда гуноҳга сабаб бўлмасдан бартараф қилишолмайди. Чунки улар адашган кимсалар бўлиб, ҳеч қачон ғолиб келишмайди. Балки ўзларига эргашганларни ҳам адаштириб, залолатга бошлашади.

Ҳалокатга етакловчи мана шундай ёмон кишилардан, гуноҳ амаллардан четда бўлиш мўминнинг вазифасидир.

Манбалар асосида  
**Сора ҲУСАЙН қизи**  
тайёрлади.

# Кўп истиғфор айтишнинг фойдалари

قال رسول الله - صلى الله عليه وسلم - : «من  
لزم الاستغفار جعل الله له من كل ضيق مخرجا،  
ومن كل هم فرجا، ورزقه من حيث لا يحتسب».  
رواه أحمد، وأبو داود، وابن ماجه.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат қиладилар: “Ким доим истиғфор айтиб юрса, Аллоҳ унга ҳар қандай тангликдан чиқиш ва ҳар қандай ғамдан қутулиш йўлини кўрсатади ва уни ўйламаган томондан ризқлантиради” (Имом Аҳмад, Абу Довуд ва Ибн Можа ривояти).



“Истиғфор” арабча сўз бўлиб, луғатда “гуноҳларнинг беркитилишини, кечирилишини сўраш” маъносидадир. “Астағфируллоҳ” “Аллоҳдан гуноҳларимни беркитишини, кечирилишини сўрайман” дегани. Истиғфор истилоҳда Аллоҳ амрларига бўйсунуш, Ундангина қўрқиш ва Ундангина умид қилиш, қайтариқларидан тийилиш ва буйруқларини бажариш маъносидадир.

Аллоҳ таоло бандаларнинг кичик амалларига ҳам ажр беради. Аллоҳ таолони зикр қилиш энг энгил, лекин ажри улуғ амалдир.

Истиғфор ҳам зикр, ҳам икки дунёда нажот топишга сабаб бўлувчи энг яхши дуодир. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва сал-

лам) бизларга доимо истиғфор айтиб юришни буюрганлар ва ўзлари ўрнак бўлганлар. У зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) :“Эй инсонлар! Аллоҳга истиғфор айтинглар ва тавба қилинглар. Мен бир кунда юз марта истиғфор айтаман ва тавба қиламан”, дедилар (Насоий ривояти).

Инсон – хатокор, билиб-билмай катта-кичик гуноҳ қилиб қўяди. Гуноҳлар инсонларга бало-офатлар етишига сабаб бўлади: “Одамларнинг қилган қилмишлари сабабли қуруқлик ва денгизда бузғунчилик (турли офатлар) пайдо бўлди. (Бу бало ва офатлар одамлар қилаётган гуноҳ-маъсиятларидан) қайтишлари учун (ва) қилган баъзи (гуноҳ) ишлари (жазоси)ни уларга тотдириб қўйиш учундир” (Рум, 41).

“Ким доим истиғфор айтиб юрса”, яъни турган, ўтирган, юрган ҳатто ётган ҳолида ҳам айтса демакдир. Истиғфорни ҳар вақт айтиб юриш керак. Бирор гуноҳ иш қилганда айтиш эса вожиб бўлади. Солиҳ амаллар кетидан, масалан, намоздан сўнг, ҳаж амалларини адо қилганидан кейин ёки саҳар вақтида айтиш мандуб ҳисобланади.

Ҳасан Басрий (раҳматуллоҳи алайҳ) айтади: “Уйларингизда, бозорларингизда, йўлларингизда ва мажлисларингизда истиғфорни кўпайтиринг. Чунки мағфират қачон тушишини билмайсиз”.

Доим истиғфор айтиб юрадиган киши ҳар қандай қийинчиликни бемалол енга олади ва Аллоҳ розилигига эришади. Истиғфорни одат қилган кишининг қалби, зеҳни ва нафси хотиржамликка эришади, ҳаёти тўқис бўлади ва қилган яхшиликлари самарасини албатта кўради: “(Аллоҳ буюради), **Раббингиздан мағфират** (кечирим) **сўрангиз, сўнгра Унга тавба қилингиз, шунда (У) сизларни маълум муддат (ажалларингиз охири)гача чиройли баҳра билан баҳраманд қилур ва ҳар бир фазлли** (карамли, сахий) **кишига Ўз фазлини ато этур**” (Худ, 3).

Доим истиғфор айтган киши, бақувват, турли касалликларга чалинавермайди ва соғлом ризқи баракали бўлади. “(Худ (алайҳиссалом)) **Эй қавмим! Раббингиздан мағфират сўранг, сўнгра Унга тавба қилинг, шунда У осмон-**

дан (ёмғир) ёғдирар ва қувватингизга қувват қўшар” (Худ, 52).

Истиғфорни канда қилмаган киши турли бало-офатлар, азоб-уқубат, фитна ва машаққатлардан омонда бўлади, тўкинчилик, солиҳ фарзандлар, ҳидоятдан адашмайдиган зурриётлар ва ҳалол мол-давлат билан ризқлантирилади. “... Улар истиғфор айтиб (кечирим сўраб) турган ҳолларида Аллоҳ уларни азобламас” (Анфол, 33).

“...Раббингизга истиғфор айтинг! Албатта, У (бандаларига нисбатан) ўта кечиримли зотдир. (Шунда, яъни истиғфор айтсангиз) устингизга осмондан (баракали) ёмғир ёғдирур, сизларга мол-дунё, фарзандлар билан мадад берур ҳамда сизлар учун боғлар (барпо) қилур ва сизларга анҳорларни (ато) қилур” (Нух, 10–12).

Бир киши Ҳасан Басрийга (раҳматуллоҳи алайҳ) қурғоқчиликдан шикоят қилганида, истиғфор айт, дейди. Фақирликдан қутулиш йўлини сўраган бошқа бир кишига ҳам истиғфор айтишни буюради. Фарзанд талабларга ҳам, боғи қуриётганга ҳам ана шундай маслаҳат беради. Ҳаммага бир хил жавоб қайтараётгани сабаби сўралганида, у зот (раҳматуллоҳи алайҳ): “Мен ҳеч бир нарсани ўзимдан олиб гапирмадим, Қуръонда келган”, деб, Нух сурасининг 10–12 оятларини ўқиб беради.

Истиғфорни канда қилмаган кишининг гуноҳлари кечирилиб, эзгуликларининг ажри зиёда этилади ва даражаси кўтарилади: “...(Аллоҳга) “афв эт!” деб айтингиз, (шунда) Биз хатоларингизни кечирамиз ва эзгулик қилувчиларга (ажру савобни ҳам) зиёда қиламиз” (Бақара, 58).

Истиғфорни кўпайтириш раҳмат ёғилишига сабаб бўлади: “Сизларга раҳм-шафқат қилиниши учун Аллоҳдан мағфират сўрасангиз бўлмайдими?!” (Намл, 46).

Истиғфорнинг биз билмаган бошқа фойдалари ҳам бор. Истиғфорнинг фойдаларини ҳаётида кўрганлар жуда кўп ва то қиёматгача бўлажак. Аллоҳ барчамизни кўп истиғфор айтувчилардан қилсин!

**Мухаммад Сиддиқ МУКАРРАМОВ**  
тайёрлади.

## Қанча

### неъмат ичрамиз...

Валий зот ҳузурига бир йигит келиб, шикоят қилди:

– Ҳазрат, отам жуда бой, аммо менинг ҳеч нарсам йўқ. Отамга айтсангиз, менга ҳам мол-мулкдан улуш берсин. Сизга ҳурмати баланд, гапингизни икки қилмайди.

– Ўғлим, бориға қаноатли бўл, ҳолингга шукр қил, – деб насиҳат қилди у зот.

Бироқ йигит насиҳат эшитадиган ҳолатда эмас эди. “Меҳнат-машаққат ичидаман, қандай шукр қилай?” дея эътироз билдирди.

Ҳазрат йигитга ачиниб қаради:

– Аллоҳ таоло сени оч қолдирыптимми, ўғлим?

– Йўқ, унчаликмас, – жавоб берди бойнинг ўғли.

– Нима хоҳлаяпсан унда?

– Бир оз бойлигим бўлса ёмонми, ҳазрат? Мен ҳам бошқалардек роҳат-фароғатда яшасам дейман.

– Мусулмонсан-а, ўғлим? – сўради ҳазрат.

– Алҳамдулиллоҳ! – деди йигит шоша-пиша.

– Тинч, обод юртда яшаяпсан, тўғрими?

– Беадад шукр, ҳазрат!

– Кўзларинг кўряптимми?

– Жуда яхши кўряпти.

– Қулоқларинг эшитяптимми?

– Ҳа, ҳазрат.

– Қўл-оёғинг яхши ишлайди-а?

– Ҳа, ҳа...

– Юрагингда, ошқозонингда ё бошқа аъзоингда оғир касаллик йўқ, шундайми?

– Худо сақласин, ҳазрат!

Бужавобдан кейин валий зот табассум қилди:

– Яна нима хоҳлайсан, болам? Сендаги бу неъматларга муҳтож одамлар озми дунёда. Шукр қилишинг учун шунинг ўзи етмайдими?

Йигит хатосини тан олди:

– Бундан буён, Худо хоҳласа, ҳолимдан асло шикоят қилмайман! – деди.

**Одина ВАҲОБОВА**  
тайёрлади.



**Таниган-билганларнинг дадам ҳақидаги хотираларини эшитиб, у кишининг ҳартомонлама салоҳиятли бўлганларини кашф қилавераман. Дадам тил ўрганишимиз, билимимизни ошириб боришимиз учун жонбозлик кўрсатар, турли адабиёт ва қўлланмалар келтириб берардилар.**

## Яхшилар ёди

*Дадам Абдулғани Абдуллоҳ ўғлини эслаб...*

Дадам нимани ўрганишга кунт қилмасин, уддасидан чиқардилар. Амаким у кишининг маҳалладаги этиқдўзга шогирд тушиб, укаларига этиқ тикиб берганларини тўлқинланиб эслайдилар. Ҳарбий хизматдан кейин маълум вақт ҳосилот бўлиб ишлаганлари сабаб ерсувни ҳам яхши билардилар. Баҳор кезлари гул, райҳон кўчатларини олиб келар, бизга ҳам экишни ўргатардилар. Чет элга борсалар ҳам, қуруқ қайтмасдилар. Турли гул ва мевали дарахтларнинг уруғларини олиб келиб, ҳовлимизга экиб кўрар, ишқомни хомтоқ қилар, бизларни ҳам ёнларига олиб ўргатардилар. Ўн икки ёшларда эканимда бирга карам экдик. Ўша йили ҳосил жуда мўл бўлди. Илк бора ерга меҳр бериб, деҳқончилик завқини ўшанда туйганман.

Бизни ҳайвонот боғига олиб борганларида ҳайвонлар ҳақида қизиқарли маълумотлар айтиб, ҳайрон қолдирардилар. Агар таътил олсалар, дам олишга бизни ҳам олиб кетар, ўзлари овқат тайёрлар, қўллари жуда

ширин эди. Отамнинг ҳамма жойда ўзларига хос томонлари кўзга ташланарди.

Хонадонимизга Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси раиси, муфтий Зиёвуддинхон Бобохонов, Шайх Юсуфхон Шокиров, Салоҳиддин қори Муҳиддинов, Отақул Мавлонқулов, Асрорқул Мавлонқулов, Абдурахмон домла каби замонанинг кўзга кўринган уламолари тез-тез ташриф буюришар, маърифий суҳбатлар қуришарди. Аллоҳ барчаларининг охиратларини обод қилсин.

Дадам бошланғич таълимни боболари Иброҳимхўжа Эшондан оладилар. Кейин Бухородаги “Мир Араб” мадрасасида таҳсилни давом эттирадилар. 1954 йилдан бошлаб Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармасида муҳтасиблар котиби, муфтий котиби лавозимларида ишлаганлар. 1957–1961 йилларда Мисрдаги “Ал-Азҳар” дорилфунунида таълим олиб қайтгач, “Мир Араб” мадрасасида талабаларга араб тили ва

фикҳдан дарс берганлар. Сўнг диний бошқармада масъул котиб, “Совет Шарқи мусулмонлари” (ҳозирги “Ҳидоят”) журналида бош муҳаррир бўлиб ишлаганлар. Имом Бухорий ва Имом Термизийнинг саҳиҳ ҳадисларини ўзбек тилига таржима қилганлар.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси раисининг ноиби, Тошкент вилояти бош имом-хатиби, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси, “Тошкент Халқаро Ислоҳ тадқиқот маркази” мудири, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг биринчи ўринбосари лавозимларида ҳам ишладилар.

1998 йилдан умрларининг охиригача Ўзбекистон мусулмонлари идорасида маслаҳатчи ва имом-хатибларнинг малакасини ошириш курси раҳбари бўлиб хизмат қилдилар.

Бугун Ўзбекистон мусулмонлари идорасида отам билан бирга ишлаганларни, таниган-билганларни кўрсам, гўё дадамни кўргандек кўнглим кўтарилади.

Умрини элу юрт, дин хизматида бахшида этган зотлар қаторида Аллоҳ таоло дамни ҳам раҳмат қилсин. **“Эй Раббимиз! Ҳисоб-китоб қилинадиган (қиёмат) куни мени, ота-онамни ва (барча) мўминларни мағфират қилгин!”** (Иброҳим, 41).

**Марям Абдулғани  
АБДУЛЛОҲ**

# Саодат кушандаси

**Аллоҳ таоло бундай огоҳлантиради: “Эй имон келтирганлар! Албатта, май (маст қилувчи ичимликлар), қимор, бут-санамлар ва (фол очадиган) чўплар шайтоннинг ишидан иборат ифлосликдирки, ундан четланинг! Шояд (шунда) нажот топсангиз. Шайтон май билан қимор (ёрдами)да ўрталарингизга адоват ва нафрат солишни ва сизларни Аллоҳнинг зикри ҳамда намоздан қайтаришни хоҳлайди. Бас, энди сизлар (май ичишдан) тийилувчимисиз?”**  
(*Моида, 90*).

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ҳар бир маст қилувчи нарса хамрдир ва ҳар бир хамр ҳаромдир”, деб марҳамат қилганлар. Ҳазрат Ойша (розияллоҳу анҳо) ривоят қилган яна бир ҳадисда: “Ҳар бир маст қилувчи нарса ҳаромдир, агар бир челаги маст қилса, унинг бир ҳовучи ҳам ҳаромдир”, дейилади.

Инсон нимадан қайтарилган бўлса, фақат ва фақат ўзининг фойдасига. Шу маънода, гиёҳванд моддаларни истеъмол қилган киши аста-секин инсон қиёфасидан чиқиб қолади. Бу моддалар тафаккурни тўмтоқлаштиради, вужуднинг касалликларга чидамлилигини йўқотади, хо-

тирани тунд қилиб қўяди, кўплаб касалликларни келтириб чиқаради, шарму ҳаё, мурувватдан узоқлаштиради. Бундан ташқари, инсонни ўта ялқов ва камғайрат, оилага бепарво қилиб қўяди, кўзни хиралаштиради, тишларни сарғайтиради, вақтидан олдин тўкилиб кетишига олиб келади. Гиёҳванд кишилар қавмқариндошидан, гулдай фарзандларидан, оиласидан ажралиб қолаётгани, улардан мажруҳ фарзандлар туғилаётгани ҳаётий ҳақиқатдир. У инсонни хорликка етакловчи офатдан бошқа нарса эмас.

Гиёҳванд моддаларни сотиш ва тарқатиш инсонга қилинган тажовуз, бу йўл билан олинган даромад ҳаром. “Гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилиш билан ўзини хароб қилиш энг улуғ неъмат – умрни қадрига етмасликдир.

Инсоннинг бахт-саодати унинг ақл-идроки билан боғлиқ.

Зеро, ақл жасадда руҳ кабидир. Унинг воситаси билан фойдали нарса зарарлисидан ажратилади. Гиёҳвандликка берилган киши эса, яخشини ёмондан, зарарни фойдадан ажратолмай қолади. Аллоҳ ақл неъматини ато этиш билан инсонни бошқа махлуқотлардан афзал қилиб яратди. Шунинг учун ақлига путур етказувчи ҳамма нарсани ҳаром қилди, ман этди. Гиёҳвандлик иллоти эса ҳам ақл, ҳам вужуд саломатлигига зарар етказади. Ички ва ташқи аъзоларнинг соғлигини асраш вожиблиги ва зарурлиги Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳадислари билан собит бўлган: “Баданингиз, аъзоларингиз, кўзингиз, оёқларингизнинг сизда ҳақи бор, уларнинг ҳақини бажо келтиринг, гуноҳ бўладиган жойларга ишлатманг”.

**Мирзатилло АЛИХОНОВ,**  
*Ўзбекистон мусулмонлари идораси  
масжидлар бўлими ходими*



# ИСЛОМ ВА ОЛАМ


## ФАТВО СЎРАШЯПТИ



Белгия, Франция ва Голландия мусулмонлари Оврупада балиқчилик ҳақида қўшимча фатво чиқаришни сўрашяпти. Бунинг боиси 2013 йил июн ойидан кучга кирадиган қонундир. Янги қонун балиқларни чўчка, товуқ қолдиғи ва ҳаром ўлган чорва моллари суюқлари кукуни билан боқишга рухсат беради. Бу ҳол балиқ маҳсулотлари ҳалоллигига мусулмонларда шубҳа туғдириши табиий. Номасълум жойда сўйилган қўй ёки мол гўштидан балиқни ейишни афзал кўрадиган Оврупа мусулмонлари масалага ойдинлик киритишни мақсад қилишган. Шу муносабат билан Оврупа мусулмонлари уюшмаси “Ал-Азҳар” университетига расмий хат жўнатди.

Белгия, Франция ва Голландия мусулмонлари Оврупада балиқчилик ҳақида қўшимча фатво чиқаришни сўрашяпти. Бунинг боиси 2013 йил июн ойидан кучга кирадиган қонундир. Янги қонун балиқларни чўчка, товуқ қолдиғи ва ҳаром ўлган чорва моллари суюқлари кукуни билан боқишга рухсат беради. Бу ҳол балиқ маҳсулотлари ҳалоллигига мусулмонларда шубҳа туғдириши табиий. Номасълум жойда сўйилган қўй ёки мол гўштидан балиқни ейишни афзал кўрадиган Оврупа мусулмонлари масалага ойдинлик киритишни мақсад қилишган. Шу муносабат билан Оврупа мусулмонлари уюшмаси “Ал-Азҳар” университетига расмий хат жўнатди.

## “ЯНГИ МАККА” ЛОЙИХАСИ



Саудия Арабистони йил охирига қадар “Янги Макка” номли йирик қурилиш лойиҳасини амалга оширади. Унга кўра, Каъбадан ўн уч километр узоқликда “Бавобод” турар жой

мажмуаси барпо қилинади. Қурилиш майдони бир миллион олти юз квадрат метрни ташкил қилади ва олти юз тўқсон минг нафар кишини яшаш жойи билан таъминлайди. Жидда шаҳрида бўлиб ўтган халқаро ярмаркада “Sumuo” ширкати лойиҳа макетини тақдим қилди. Қурилиш ишларига “Atlas Group Construction” ширкати ҳам жалб қилинади.

## ОВРУПАДА МУСУЛМОНЛАР СОНИ

Буюк Британиянинг “Faith Matters” динлараро мулоқот маркази мамлакатда Ислом дини-



ни қабул қилувчилар сонини аниқлаш мақсадида сўров ўтказди. Натижада Ислом динига эътиқод қилувчи инглизларнинг умумий сони юз минг нафарлиги маълум бўлди. Уларнинг сони ҳар йили

беш минг нафарга ортыяпти. Марказ раҳбари Фаёз Мутал айтишича, бундай сўровлар илгари Франция ва Олмонияда ҳам ўтказилган. Фаёз Мутал ушбу мамлакатларда мусулмонлар сони охириги ўн йилда сезиларли даражада ортганини таъкидлади.

## ИҚТИСОДНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАҚСАДИДА



Марокаш ҳукумати мамлакат иқтисодини тиклаш ва ривожлантиришда қўшни давлатлардан андоза олиб, илк Ислом банки очишни режалаштирмоқда. Ушбу режани парламент

тасдиқлаганидан сўнг банк ишга тушиши кўзда тутиляпти. Мамлакатда биринчи бўлиб Қатар халқаро Ислом банки ваколатхона очиши таҳмин қилиняпти.

## УЮШҚОҚЛИК МЕВАСИ




Нигерияда турли дин вакиллари ўзаро дўстлик ва аҳилликни янада мустаҳкамлашга ҳаракат қилишмоқда. Мусулмонлар уюшмаси ва католиклар бирлашмаси бу борада ҳамкорлик

қилишга келишиб олишди. Улар кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олиб, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишяпти. Улар болалар-



ни полиомиелитга қарши эмлашда уюшқоқлик билан ишлашди.

### КАЪБА АТРОФИ ТАЪМИРЛАНАДИ



Маккаи мукаррамада Масжидул Ҳаром ҳовлисини таъмирлаш бошланди. Каъба атрофини кенгайтириш учун саккизта лойиҳа тақдим этилган. Илгари Масжидул Ҳаром

ҳовлисининг паст қисмида бир вақтнинг ўзида эллик икки минг киши тавоф қилиши мумкин эди. Таъмирдан сўнг бир юз ўттиз минг ҳожи бемалол ибодат қилиш имкониятига эга бўлади. Қурилиш ишларида ўн минг нафар ишчи қатнашади. Барча ишлар шаъбон ойигача битказилиши режалаштирилган.

### ИСЛОМ БАНКЛАРИ БИРЛАШАДИ



Яқин шарқда иккита энг йирик Ислом банклари бирлашадиган бўлди. Dubai Bank ва Emirates Islamic Bank мутасаддилари шундай қарорга келишди. Мақсад чиқимларни камайтириш ва мижозларга янада қулай шароит яратишдир. Эндиликда бирлашган Ислом банкини Жамол ибн Ғалис бошқаради. Бирлашган Араб Амирликлари ҳукумати аъзолари банк акцияларининг салкам ўттиз фоизига эга экани аҳамиятлидир.

Яқин шарқда иккита энг йирик Ислом банклари бирлашадиган бўлди. Dubai Bank ва Emirates Islamic Bank мутасаддилари шундай қарорга келишди. Мақсад чиқимларни камайтириш ва мижозларга янада қулай шароит яратишдир. Эндиликда бирлашган Ислом банкини Жамол ибн Ғалис бошқаради. Бирлашган Араб Амирликлари ҳукумати аъзолари банк акцияларининг салкам ўттиз фоизига эга экани аҳамиятлидир.

### НАМОЗ ВАҚТИ



Парвоз пайтида айни намоз вақтини аниқлаш анча мушкул. Одатда, самолётда учиб жойи ёки етиб борадиган шаҳар вақтига қараб, тахминан белгиланар эди. Яқинда Сингапурнинг

“Crescentrating” ширкати парвоз пайти намоз вақтини аниқлайдиган янги қурилма ихтиро

қилди. Энди ширкат хоҳловчиларнинг электрон почталарига интернет орқали, қаерда кетаётганларидан қатъи назар, намоз вақтини аниқ айта олади. Ҳозир ширкат мутахассислари учиб вақтида қиблани ҳам аниқлаб берадиган мослама тайёрлаш устида ишлашяпти.

### ЗИЁРАТЧИЛАРГА ҚУЛАЙЛИК



Саудия Арабистони Ҳаж ишлари вазирлиги Мадинаи мунаввара яқинидаги Ҳижр водийсида зиёратчилар учун марказ бунёд этиш режасини тузди. Қуриладиган марказ йилига ҳаж ва умра амалларини бажариш учун келадиган етти миллион нафар зиёратчига хизмат қилади.


### ҚАДИМИЙ ИБОДАТХОНА



Тбилисидаги қадимий “Жума” жоме масжиди шаҳарда ягона ҳисобланади. У 1811 йили қурилган. Тарихий қадамжолар ва қадимий обидаларни тиклаш ва уларни қайта ободонлаштириш ҳақида Гуржистон ҳукумати қарорига мувофиқ, ушбу жомеда ҳам таъмирлаш ишлари бошланди. Икки асрлик тарихга эга масжиднинг қайта тикланишида мамлакатдаги икки юздан ортиқ ширкат ҳисса қўшиш истагини билдирди. Таъмирлаш жараёнида майдонни уч баробар кенгайтириш ҳам кўзда тутилган. Барча қурилиш ишлари жорий йил охиригача якунланиши режалаштирилди.

Тбилисидаги қадимий “Жума” жоме масжиди шаҳарда ягона ҳисобланади. У 1811 йили қурилган. Тарихий қадамжолар ва қадимий обидаларни тиклаш ва уларни қайта ободонлаштириш ҳақида Гуржистон ҳукумати қарорига мувофиқ, ушбу жомеда ҳам таъмирлаш ишлари бошланди. Икки асрлик тарихга эга масжиднинг қайта тикланишида мамлакатдаги икки юздан ортиқ ширкат ҳисса қўшиш истагини билдирди. Таъмирлаш жараёнида майдонни уч баробар кенгайтириш ҳам кўзда тутилган. Барча қурилиш ишлари жорий йил охиригача якунланиши режалаштирилди.

### КИЙИМГА ЭЪТИБОР



Саудия Арабистони Кириллиги ёшларнинг кийиниш маданиятига аҳамият бериш ҳақида янги қарор қабул қилди. Ҳозирги кунда авж олиб кетган йигитларнинг қизларга ўхшаб,

қизларнинг эса йигитлар каби кийинишлари-га чек қўйиш бўйича хулқ-атвор полицияси иш олиб борапти. Энди мамлакатдаги барча ўрта ва олий ўқув юртларига ёшлар жинсига мос кийинган ҳолдагина киритилади.

### ҚУРУЛТОЙ ЎТКАЗИЛДИ

Олмаота шаҳрида Қозоғистон мусулмонларининг навбатдан ташқари VI қурултойи бўлиб ўтди. Унда Қозоғистон мусулмонлари идораси раҳбарияти, Дин ишлари бўйича қўмита раиси Ғайрат Лама Шариф ва уламолар кенгаши аъзолари иштирок этишди. Анжуманда асосий эътибор Қозоғистон мусулмонлари идорасининг яқинда тасдиқланган янги низомига қаратилди. 2012 йил октябр ойида “Диний ташкилотлар ва уларнинг фаолияти ҳақида”ги қонунга ўзгартишлар киритилган эди. Шу боис, мамлакатда диний ташкилотларни қайта рўйхатдан ўтказиш кўзда тутилган.

### БАҒРИКЕНГЛИК

Америка Ислом жамияти Брукфилд шта-тидаги Милуоки ва Висконсин ҳудудларида янги масжид қуриш режасини кўриб чиқди. Мамлакатда йил сайин чет элдан келаётган мусулмонлар ва маҳаллий аҳоли орасида Ислом динига эътиқод қилувчилар сони ортаётгани туфайли шунга эҳтиёж кучаймоқда. Ушбу туманларда яшовчи бошқа дин вакиллари ҳам буни маъқуллашди. Зеро, илгари мусулмонлар ҳам синагога ёки черков каби ибодатхоналар қурилишини ижобий баҳолаб, бағрикенглик билан ёндашганлар. Ҳукумат учун эса ҳудудда барча дин вакиллари аҳил ва иноқ ҳаёт кечириб, давлат қонунига амал қилишларининг ўзи кифоя.


### БЕЛГИЯ УЛАМОЛАРИ



Белгияда намоз вақтларини белгилаш масаласида баъзи ихтилофлар бор эди. Сония ёки бир дақиқа туфайли келиб чиқадиган тушунмовчиликларга Рамазон ойида, айниқса, кўпроқ дуч к-

лишарди. Ислом уламолари ва астрономия мутахассислари бунга барҳам бериш ва мамлакатда ягона тақвимни аниқ белгилаш учун йиғилишди. Мутахассислар маслаҳат билан Маккадаги халқаро Ислом фикҳи академияси белгилаб берган вақтга амал қилишни маъқуллашди. Брюсселдаги Ислом маданияти маркази раҳбари доктор Холид Иври шу ҳақда бундай дейди: “Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоху алайҳи ва саллам) бир неча аср олдин намоз вақтларини кун ботиши, чиқиши ёки қуёш тиккага келиши каби ҳолатлар билан белгилаганлар. Ҳозирги кунда эса замонавий технология ривожланган, демак, вақтни аниқлаш умуман муаммо бўлмаслиги лозим. Бунинг учун бирдамлик ва ҳамжиҳатлик керак, холос”.

### НИГЕРИЯДА КЎРГАЗМА



Нигерия пойтахти Абужи шаҳрида китоблар кўرғазмаси ўтказилди. Унда Қуръони карим шарҳлари, ҳадис тўпламлари, фикҳий ва тарихий мавзулардаги олтмиш беш мингдан ортиқ китоб

нусхалари намойиш этилди. Абужи университети собиқ ректори, профессор Нуху Якубу сўзга чиқиб, ташкилотчиларга миннатдорлик изҳор этди. Анжуманни бу соҳада бир неча йиллик тажрибага эга “De Minaret International” адабий ташкилоти уюштирди. Ушбу ташкилот фаолияти мобайнида юз мингга яқин диний китобларни нашр қилиб, арзон нархларда мусулмонларга тухфа этган.

### ЕТТИНЧИ ЎРИННИ ОЛДИ

Шу йил апрел ойида Қувайт давлатида жаҳон қорилари мусобақаси бўлиб ўтди. Мусобақага эллик олти давлатдан 107 нафар қори иштирок этди. Нукусдаги “Муҳаммад Беруний” Ислом ўрта махсус билим юртининг 3-босқич талабаси Йўлдошбой Нуриддинов энг кучли ўнликда еттинчи ўринни эгаллади.

*Интернет маълумотлари асосида тайёрланди.*



**В**илоятлардан бирида яшайдиган дугонамга тўйга айтиш учун қўнғирок қилдим. Ҳол-аҳвол сўрашдик, бир оз гаплашдик. Тўйга албатта келишини тайинладим, шунда дугонам:

– Боролмайман, кўким бор (азадорликни билдириш), – деди.

Ҳайрон бўлдим, чунки бир йил олдин таклиф қилганимда ҳам шундай жавоб берган эди.

– Ўтган йили қайнонамнинг онаси вафот этувди, – изоҳ берди дугонам. – Яқинда тоғам оламдан ўтди...

Билишимча, бу ҳол кўпчилик аёллар аза муддатини билмаганлари, “етти”, “йигирма”, “қирқ” каби номашруъ маросимлар таъсирининг оқибатидир. Динимиз яқинлари, ҳатто ота-онаси ё фарзанди оламдан ўтган киши-

## Азанинг муддати қанча?

га ҳам уч кун аза тутишни машруъ қилган. Фақат эри ўлган аёл тўрт ою ўн кун аза тутиши керак.

Зайнаб бинти Абу Саламадан (розияллоху анҳо) қилинган ривоятда бундай келтирилади: «Зайнаб бинти Жаҳшнинг олдига акаси вафот этган пайтида кирдим. У хушбўй нарса сўраб олди ва ундан суртди. Сўнгра: “Аллоҳга қасам, хушбўй нарса суртадиган ҳолим йўқ, лекин Расулуллоҳнинг (соллаллоху алайҳи ва саллам) минбарда туриб: “Аллоҳга ва охират кунига имон келтирган аёлга бирор маййит учун уч кундан ортиқ мотам тутиши ҳалол эмас. Фақат

эрига тўрт ою ўн кун тутати”, деганларини эшитган эдим” деди».

Шундай экан, мўмин одам эл ичидаги ўринсиз гап-сўзларга, маломатларга эмас, имонини сақлашга эътибор қаратиши керак.

Ҳадиси шарифда айтилади: “Албатта, дин энгилдир. Кимда-ким уни (ўзича) оғирлаштира, дин уни, албатта, мағлуб қилади” (*Имом Бухорий ривояти*). Шарият буюрмаган ўринларда аза тутиш, айнан динни оғирлаштиришидир.

Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади: “**Аллоҳ сизларга (шарият аҳқомларини) энгиллатишни хоҳлайди. Ахир, инсон заиф яратилган-да!**” (*Нисо, 28*). Бу кўрсатмаларга амал қилган кишининг ҳаёти гўзал, савобларга тўла бўлади. Акс ҳолда, ўзини қийин аҳволга солиш, нафсига зулм қилиш билан динни ўзгаларга машаққатли кўрсатиб қўйиши, ўз қалбини ҳам бездириши мумкин.

**Нигора МИРЗАЕВА**

Ўтганлар ибратли сўзини ёд эт,  
Ўтганлар ёдидан дилингни шод эт.

*Абдураҳмон Жомий*





## Кўнглимни нурга тўлдир...

Салоҳиддин МУҲАММАД

### ВАТАН

Сен менинг отамсан,  
меҳрибон онам.  
Ичкуяр синглимсан  
ғамхўрим – онам.

Биз битта оила,  
Сен билан бир тан.  
Ўзинг саждагоҳим,  
Муқаддас Ватан!

Боболарим даврон  
Сурган заминим.  
Момолар кўз очиб  
кўрган заминим.

Кучимиз бирликда –  
Буюк Темурдан.  
Ўзинг саждагоҳим,  
Муқаддас Ватан!

Тандиримда пишган  
иссиқ нонимсан.  
Онам қўлларида  
йўғрилган кулчам.

Ҳар кимнинг юрти ҳам,  
ўзига гўзал.  
Бундай юрт қайда бор,  
тўрт фасли тугал.

Тошу тупроғингни  
кўзга суртаман.  
Ўзинг саждагоҳим,  
Муқаддас Ватан!

Ўзи бек, ўзгалар  
ғамида куйган,

Боболар меросин  
дилида туйган.

Сабрли халқимсан  
Аллоҳ ҳам суйган.  
Ўзинг саждагоҳим,  
Муқаддас Ватан!

Бу туйғу меҳрингдир,  
кўзларда қувонч.  
Элим деб, юртим деб  
ёнса ҳар инсон.

Байроқдор Юртбошим  
қалбини тутган.  
Ўзинг саждагоҳим,  
Муқаддас Ватан!

### ИЛТИЖО

Ё Раб, Сенга сиғиндим, вафодан қисма.  
Кўнглимни нурга тўлдир, даводан қисма.

Эзгу тилак дилимизда – халқимни қўлла,  
Осмону ер аро пок ҳаводан қисма.

Ёмонликни ҳаттоки хаёлимдан қув,  
Дилозорлик қилсам гар жазодан қисма.

Душманларимни доим инсофга чорла,  
Ёлғиз Ўзинг суянчим, паноҳдан қисма.

Икки нафсим балодир, койиши жоннинг,  
Кўнглимни, кўзларимни ҳаёдан қисма.

Хатолиғ кимдан ўтмас, Раҳмоним Ўзинг,  
Ўтганларимни, ё Раб, Маъводан қисма.

Имон ҳамроҳинг бўлсин, Салоҳ, ҳар доим  
Яхшиларни ёд этиб, дуодан қисма...



## СОҒИНИБ ЮРСАМ...

Маъюс кўзларимдан сирғалар нажот,  
Сўнгги тутганим ҳам туш экан билсам.  
Сўнгсиз айрилиққа кўндирган ҳаёт,  
Майлими мен сени соғиниб юрсам!

Бағримда кезмоқда сахро шамоли,  
Бехосдан қуриган дарахтдай пурғам.  
Тўрт томонга тинмай чопган хаёлим,  
Майлими мен сени соғиниб юрсам!

Қовжираб бормоқда мастона кўнглим,  
Адоғи кўринмас ҳижрондир йўлим.  
Эй сен, олисларда бахт топган гулим,  
Майлими мен сени соғиниб юрсам!

Бир лаҳза ичинда куйдимми ўзим,  
Кучганим армонлар ўйдими кўзим.  
Бўғзимга тиқилиб қолган дил сўзим,  
Майлими мен сени соғиниб юрсам!

*Ургут тумани*

## Мамадали ТУРДИАЛИ ўғли

### ДУО ОЛ

Дуо олтин эмас, истасанг – топсанг...  
Кони, макони йўқ, чор тараф чопсанг.

Тоза бўл, тўғри юр, ҳалолни кўзла...  
Ёлғондан қочгин-у, ростини сўзла!

Қўлингдан келса гар беминнат хизмат  
Қилавер пинҳона, Аллоҳга ҳурмат...

Дуо ол истасанг олий шафоат!  
Жаннатларда жонинг топгуси роҳат.

Фонийда дуо-ла десалар: “Раҳмат!”  
Икки дунёнг обод бўлғуси албат.

Мавқий, сен дуо-ла униб-ўсдинг-ку...  
Дуо-ла балолар йўлин тўсдинг-ку!

Дуо қил Ватанни, эл-юрт бўлсин тинч,  
Дуо олгин, Мавқий, бўлмасидан кеч!

*Жиззах вилояти Пахтакор шаҳри*

## Абдулҳамид ИСО

### БАЙТИНГГА ЧАҚИР, ДЕДИМ

Беминнат офтоб экан, умримиз шитоб экан,  
Қолари савоб экан, яхши дўст китоб экан,  
Ҳаммамиз меҳмон экан, сўнгимиз туроб экан,  
Сўнгимиз туроб экан.

Тонг саҳар азон бўлди, меҳроб чароғон бўлди,  
Ҳақ деб йўлга чиққаннинг кўнгли Ҳақ томон бўлди,  
Самодан нурлар ёғди, тиловат Қуръон бўлди,  
Тиловат Қуръон бўлди.

Бухорий қабри обод, темурийлар руҳи шод,  
Дунёга бўйлар ёшлар, қадлари бўлиб шамшод,  
Елкага тегиб офтоб, элимиз озод бўлди,  
Элимиз озод бўлди.

Кексалик келар аста, майли-да, шукр, дедим,  
Ҳей, ғафлатда қолмагин, савоб-чун югур, дедим,  
Ўзингсан қодир Эгам, байтингга чақир, дедим,  
Байтингга чақир, дедим.

### ҲАҚИҚАТ

Илдамлаб борар дунё,  
Кундан-кун тўқис ҳашам.  
Лек ўзгармас ашёлар,  
Тобут – ўша, бешик ҳам.  
Иккиси ҳам тол ёғоч  
Иккиси ҳам чўбин от.  
Улар – кема, манзили –  
Дунё ва боқий ҳаёт.

*Ўзбекистон тумани*



# Ҳадис илмлари таснифи

Ҳадис илми асосий мавзуларига киришдан олдин бу илмнинг тармоқлари, таркибий қисмлари ҳақида умумий тасаввур ҳосил қилиш зарур.

Олимлар ҳадис илмини икки асосий қисмга: ривоят илми ва диroyат илмига бўлишган.

Ривоят илми Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сўзлари, ишлари, уларни ривоят қилиш, лафзларини қоғозга туширишни ўз ичига олади.

Диroyат илми, мусталаҳ илми деб ҳам юригилади. У санад ва матн ҳолатларини ўрганадиган илмдир.

Ҳадисшунос олим Нуриддин Итр “Манҳажун нақд фи улумил ҳадис” китобида ҳадис илмларини атрофлича ўрганиб қуйидаги бўлимларга ажратади.


1. Ҳадис ровийларига боғлиқ илмлар. Бу илмда қуйидаги масалалар ўрганилади:

- ровийларнинг исмлари, кунялари, лақаблари, табақалари, ҳар бир табақанинг таърифи;
- ровийларнинг туғилган ва вафот этган йиллари;
- ровийнинг ривоятини қабул қилиш ва рад қилиш шартлари;
- ишончли ва заиф ровийлар;
- жарҳ ва таъдил (ровийнинг ишончли ёки ишончсизлигини топиш) қоидалари.

Муҳаддислар мазкур бўлимларнинг ҳар бирига оид асарлар битишган. Ибн Ҳиббоннинг “Сиқот” (Ишончли ровийлар) китоби, Ибн Адийнинг “Ал комил физ зуаъфа” (Заиф ровийлар тўғрисида мукамал китоб) китоби, Абу Ҳотим Розийнинг “Ал жарҳ ват таъдил” (Ровийларнинг айбли ёки ишончлилигини топиш) китоби, Имом Бухорийнинг “Ат тарихул кабир” (Катта тарих) китоби ана шундай асарлардан.

2. Ҳадис ривоятига оид илмлар. Бунда қуйидагилар ўрганилади:

- Ҳадис толиби одоблари;
- Муҳаддис одоблари;
- Ҳадисни эшитиш, қабул қилиб олиш, аниқ сақлаб қолиш (забт);



– Ҳадисни ривоят қилиш сифати, адо этиш шарти;

– Ҳадисни ёзиш, аниқлаш.

Ушбу илмларга доир асарларга Хатиб Бағдодийнинг “Ал кифоя фи илмир ривоя”, “Ал жомеъ ли ахлоқир ровий ва одобис сомиъ” каби асарларни киритиш мумкин.

3. Ҳадисни қабул қилиш ва рад этиш илми.

Бу илмда ривоят қилинган ҳадиснинг Пайғамбаримизга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) нисбат берилиши тўғри ёки тўғри эмаслиги ўрганилади. Шу жиҳатдан ҳадис мақбул (қабул қилинадиган) ва мардуд (рад этиладиган) турларга ажралади. Сўзи шу икки турга кирувчи ҳадис турлари алоҳида ўрганилади. Мақбул ҳадислар саҳиҳ, ҳасан ҳадисларга бўлинади. Улар Имом Бухорий ва Имом Муслимнинг “Саҳиҳ” китобларида, Имом Моликнинг “Мувапто” китоби, тўртта “Сунан” китобларида жамланган.

Мавзу, заиф, мунқатиъ каби ҳадислар мардуд ҳадислар саналиб, улар ҳақида ҳам алоҳида китоблар таълиф этилган. Имом Суютийнинг “Ал алаил маснуъа фил аҳадисил мавзуъа” китоби, мавзу (тўқима) ҳадисларни тўплаган асардир.

4. Матнга боғлиқ илмлар. Матн бу ровийлар силсиласи орқали бизга етиб келган Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтганлари, ишлари ёки ўзларига боғлиқ бирор ҳодиса баёнидир.

Бу илмларни ҳам уч қисмга ажратиш мумкин: матнни етказувчи жиҳатидан, матнни шарҳлаш билан боғлиқ илм, ривоят қилинган матнни бошқа матнлар ва ҳадисларга солиштиришдан келиб чиқадиган илмлар. Шунингдек, бу илмларга ғарибул ҳадис (матндаги тушунар-



сиз сўзларни шарҳлаш) илми, ҳадисдаги носих ва мансухлар, “мушкулул ҳадис” (зоҳири бири-бирига зид кўринган ҳадислар) илми ҳам киради. Бу илмларда Ибн Асирнинг “Ан ниҳоя”, Ибн Қутайбанинг “Таъвилу мухталифил ҳадис” каби асарлари машҳур.

5. Санадга боғлиқ илмлар. Санад матнга олиб борувчи ровийлар силсиласидир. Бунда ушбу силсиланинг қай даражада боғлангани, узилишлари бор ёки йўқлиги ўрганилади.

6. Матнга ҳам санадга ҳам боғлиқ илмлар. Ҳадисларни тўлиғича бошқа ҳадислар билан солиштириш натижасида уларнинг ўхшаши бор-йўқлиги маълум бўлади. Ҳадис бир йўлдан ривоят қилинган бўлса, фард ҳадис, кўп йўллардан ривоят қилинган бўлса, мутавотир, машҳур каби турларга бўлинади. Бу мавзуда Доруқутнийнинг “Ал афрод”, Имом Суютийнинг “Ал азҳорул мутаносира фил ахборил мутавотира” каби асарлари машҳур бўлган.

**Жамшид ШОДИЕВ**  
*тайёрлади.*

Ким бир ҳадисни айтса, кейин унга одамлар амал қилишса, уни айтган одамга амал қилган кишининг ажри баробарида савоб берилади.

*Умар ибн Хаттоб*

## ҚўЛИНГИЗДАН КИТОБ ТУШМАСИН

Мутолаа – бола тарбиясининг энг муҳим бўлаги. Фарзанд келажакда қандай касб эгаллаши, ҳаётда муваффақият қозониши бевосита китоб ўқиши билан ҳам боғлиқлигини олимлар исботлашди. Оксфорд университети профессори Марк Тейлор илмий изланишлари натижаларидан келиб чиқиб таъкидлашча, ўсмирлик даврида бошини китобдан кўтармаган болалар келажакда катта ишларнинг уддасидан чиқишаркан. Унга 17200 нафар ўттиз ёшлилар ўн олти ёшида нималарга қизиққани, севимли машғулоти ҳақида сўровномада жавоб беришган. Маълум бўлишча, ёшликда мутолаани ҳар нарсадан афзал билган бола кўп нарсага эришар экан. Спорт билан шуғулланиш, тенгқурлари билан ўйнаш, табиатда ҳордиқ чиқариш, музей, театрлардан баҳра олиш – бариси ўз йўлига, уларнинг бирортаси мутолаанинг ўрнини босмайди. Гап шундаки, юқоридаги машғулотларнинг ҳеч бири мияни ўқиш каби ривожлантирмас экан. Ўқиш жараёнида уқилади, маълумот эслаб қолинади, таассурот пайдо бўлади ва бойийди. Бу пайтда миянинг ҳамма қисмлари ишлайди, онг келгусида турли муаммоларга ечим топишда қийналмайди, ҳозиржавоб бўлади. Аммо ўқишни хушламайдиган болаларнинг ота-оналари хуноб бўлмасликлари керак. Чунки бу ҳолат бевосита интеллектуал ривожланиш дара-

жаси билан боғлиқ. Одатда бола қийналадиган ишни қилгиси келмайди. Яхшиси, қизиқарли ҳикояни катталар бошлаб берсалар, давомини уларнинг ўзлари ўқишади. Муҳими, уйингиздан китоб аримасин, қўлингиздан китоб тушмасин.

## СЎРАБ ЎРГАНГАН ОЛИМ

Болалик “Нега?”, “Нима учун?”, “Қандай қилиб?” саволларисиз ўтмайди. Демак, улар атрофидаги нарсалар, воқеа-ҳодисалар сабабини билишга жуда қизиқади. Бу одат тўрт ёшларгача давом этади. Агар ота-она жавоб беришни истамаса, ўзини олиб қочса, энг ёмони, дакки билан қўполлик қилса, саволни эшитмаса, бола сўрамай қўяди. Катталар асло бундай қимаслиги керак. Зеро, “сўрамаган ўзига золим”. Саволлар тўғри савол беришни, тўғри савол эса жавоб топишни осонлаштиради.

Айрим жаҳлдор ўқитувчилар ўқувчиларни “фаҳм-фаросатсиз, ҳатто тўғри савол беришни билмайдиган”га чиқариб қўяди. Уларнинг дарсларида жимлик ҳукм суради. Бундай ҳолатда дарс бериш ўқитувчига қулай бўлиши мумкин, аммо ёшларнинг фанга қизиқиши пасайиб кетади.

Ота-она фарзандининг билишга қизиқишидан қувониб, уни савол беришдан бездирмаслиги керак. Бола бунга тўла ҳақлидир. Уни ўйлантирган жумбоқларга калит топиш фақат ўқитувчилар эмас, балки энг олдин ота-онанинг вазифасидир.

**Гулгун УСМОНОВА**  
*тайёрлади.*

# Мўминларга шифо ва раҳмат

**Тошкент Ислом институти ўқитувчиси Муҳаммадзафар Аҳмаджонов манбалар асосида “Қуръон билан даволанинг” номли рисола ёзди. Рисолада: “Мўминларга шифо ва раҳмат”, “Қуръоннинг шифо бўлиш шартлари”, “Шифо оятлари”, “Сура ва оятларнинг фазилатлари”, “Даволаш усуллари” каби мавзулар атрофлича ёритилган.**

**Журналимизнинг ушбу сонидан бошлаб “Қуръон билан даволанинг” рисоласидан айрим парчаларни эътиборингизга ҳавола этиб борамиз.**

Қуръони карим мусулмон ҳаётининг дастури бўлиши билан бирга, шубҳасиз, жисмоний ва руҳий касалликларнинг барчасига кифоя қилувчи шифо ҳамдир. Касал одам мустаҳкам эътиқод ва қатъий ишонч билан Қуръон кўрсатмаларига амал қилса, ҳар қандай дарддан халос бўлади.

Қуръон оятлари шифо бўлишини Аллоҳ таоло бундай баён қилади: **“Биз мўминлар учун шифо ва раҳмат бўлган Қуръон оятларини нозил қилурмиз”** (*Исро, 82*).

Қуръон билан даволаниш далиллар асосида собит бўлган. Аллоҳ таоло айтади: **“Айюбнинг Парвардигорига нидо қилиб: “(Парвардигорим), Мени бало ушлади. Ўзинг раҳм-шафқат қилувчиларнинг раҳмлироғидирсан, деб илтижо қилган пайтини (эсланг)”** (*Анбиё, 83*). Ушбу ояти каримада мўмин киши дуо қилишга буюрилмоқда. Кейинги оятда эса Аллоҳ таоло дуони ижобат этишини ваъда қилмоқда: **“Бас, Биз унинг (дуосини) мустажоб қилиб, ундаги зиён-заҳматни кетказдик”** (*Анбиё, 84*). Мўмин шифо топиши учун ишонч билан дуо қилиши лозим.

Қуръони карим мўминларга шифо ва раҳматдир. Шу боис мўмин ундан шифо топиш билан бир қаторда Аллоҳ таолонинг раҳматига ҳам эришади. Ҳазрат Али (розияллоҳу анху) айтади: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Даволарнинг энг яхшиси Қуръондир” (*Ибн Можа*) деб марҳамат қилганлар. Касаллик ва балолардан сақланиш учун уйқуга ётишдан олдин Ихлос, Фалақ, Нос сураларини уч мар-

тадан ўқиб, икки кафтларига дам урганлар ва баданларига сурганлар».

Кўп касалликлар шайтоннинг бандага етказадиган зарари оқибатида юзага келади. Чунки шайтон ёмонлик ўчоғидир. Тутқаноқ, сеҳрланиш, фалаж, баданга оқ тушиши, яра тошиши каби касалликлар гарчи тиббиёт тилида бактерия, микроб ёки вируслар таъсиридан келиб чиқади дейилса ҳам, уларни инсон жисмига шайтон олиб киради. Аллоҳ таоло айтади: «(Эй Муҳаммад) **бандамиз Айюбнинг Парвардигорига нидо қилиб: “Дарҳақиқат, мени шайтон бало ва азоб билан ушлади”, деган пайтини эсланг»** (*Сод, 41*). Оятдаги “**нусбин**” сўзи касаллик, “**азабин**” лафзлари оғриқ берадиган хасталик маъноларини беради. Бу касаллик ва оғриқ шайтоннинг қаттиқ ушлашидан келиб чиқади. Шайтон гўё вабо каби инсонга ёпишади ва вирус, микробларни тарқатади. Шунинг учун касалликдан сақланмоқчи бўлган мўмин олдин жасадидан, кейин руҳидан шайтонни узоқлаштириши керак. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анху) айтади: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ухламоқчи бўлсанг, Оятал Курсини ўқи, шунда Аллоҳ бир сақловчи фаришта йўллаб, тонг отгунча сенга шайтонни яқин келтирмайди” дедилар» (*Имом Бухорий*).

Касалликдан сақланишнинг яна бир йўли Аллоҳ таолонинг зикрини кўпайтиришидир. Зеро, Аллоҳ таоло айтади: **“Огоҳ бўлингиз, Аллоҳни зикр қилиш билан қалблар ором олур”** (*Раъд, 28*). Қалб хотиржам бўлганида, нафс ором олади

ва жасаднинг қуввати ортади. Парвардигори олам унга бир сақлагувчи юборади.

Қуръон билан даволаш услубини саҳобаларнинг ҳаётида ҳам қузатиш мумкин. Убай ибн Каъб (розияллоху анху) ривоят қилган ҳадисда бир аъробий келиб, Расулulloҳдан (соллаллоху алайҳи ва саллам) жин теккан акаси учун ёрдам сўрайди. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) беморни икки қўллари орасига олиб, Қуръон оятларидан ўқийдилар. Шунда у худди ҳеч нарсадан шикоятни йўқ кишидай ўрнидан туради.

Абу Саид Худрий (розияллоху анху) ривоят қилган ҳадисда айтилишича, саҳобалардан бир гуруҳи сафарга чиқишади. Араб маҳаллаларидан бирига тушганларида унинг аҳли саҳобаларга зиёфат беришдан бош тортади. Бир вақт ўша маҳалланинг улуғ кишини чаён чақиб олади. Унга ҳар нарса қилиб кўришади, лекин фойда қилмайди. Сўнг саҳобалардан ёрдам сўрашади. Улардан бири Қуръон ўқиб, ҳалиги одамга дам солади ва бемор худди боғлови ечилгандек ўрнидан туриб кетади (*Муттафақун алайҳ*).

Касаллик бандага Аллоҳнинг қазои қадари билан имтиҳон, хатоларига каффорат ёки қилган гуноҳи эвазига жазо тариқасида келади. Агар Аллоҳ беморга шифо беришни ирода қилса, давосини ҳам еткази. Абу Ҳурайра (розияллоху анху) айтади: «Пайғамбаримиз (алайҳиссалом): “Ҳеч бир касаллик йўқки, Аллоҳ таоло унинг шифосини яратмаган бўлса” дедилар» (*Имом Бухорий*). Мўмин банда оғир кунда ҳам асло Раббидан умид узмаслиги керак. Чунки Одам Ато ва Момо Ҳавво жаннатдан туширилганида умид узишмади ва Аллоҳга тавба қилишди. Аллоҳ уларнинг тавбаларини қабул этди. Шайтон эса, аксинча, умидсизланди, натижада тошбўрон қилинди. Шунинг учун “Ноумид шайтондир” дейилади. Касалликка чалинган одам асло тушкунликка тушмасдан: “Биз Аллоҳникимиз, албатта, Унга қайтамыз”, деб гўзал сабр билан Қуръон ёрдамида шифо изласа, тузалиб кетади.

**Муҳаммадзафар АҲМАДЖОНОВ,**

Тошкентдаги “Юнусобод-Оқтепа” жомеи имом-хатиби



Ҳақ элчиси, Мустафо, севмай бўлурми Сизни?  
Сиз Хотамул анбиё, севмай бўлурми Сизни?  
Асҳобга меҳру вафо, севмай бўлурми Сизни?  
Зийнати Арши аъло, севмай бўлурми Сизни?  
Қуръону суннатга хос, барчаси бизга мерос,  
Одоби хусни аъло, севмай бўлурми Сизни?  
Ота-она, қариндош, фарзанду ёру йўлдош –  
Танда жонимдан авло, севмай бўлурми Сизни?  
Намоз мўминга меърож, дея амр этдингиз,  
Беш вақтга бизлар шайдо, севмай бўлурми Сизни?  
Дўстлик, одиллик, ҳаё ҳам илмнинг шаҳрисиз,  
Гавҳари нури зиё, севмай бўлурми Сизни?  
Ғаним қалбида кўрқув, мағлубдир Сизга шайтон,  
Шухрати олам аро, севмай бўлурми Сизни?  
Жаннат Сизга мунтазир ҳуру ғилмони билан,  
Оламлар ичра барно, севмай бўлурми Сизни?  
Гар етсам Равзангизга, дардларим эшитгайсиз,  
Дардимга олий шифо, севмай бўлурми Сизни?  
Аллоҳдан осийларга шафоат сўрагайсиз,  
Уммат учун Сиз фидо, севмай бўлурми Сизни?  
Кўп чўзилди бу ҳижрон, висолга чорлагайсиз,  
Кўз ёшим оқди дарё, севмай бўлурми Сизни?  
Сиз Саййидул мурсалин ҳам коинот фаҳрисиз,  
“Ҳулуқин азим” доно, севмай бўлурми Сизни?

**Донобой ҚОДИРОВ,**

Зомин тумани “Ғойиб ота” жомеи имом-хатиби



Одамлар орасида “Берган Худога ёқибди”; “Мулланинг айтганини қил, қилганини қилма”; “Етим қўзи асрасанг, оғзи-бурнинг мой бўлар, етим бола асрасанг, оғзи-бурнинг қон бўлар” каби иборалар тез-тез учраб туради. Кўп эшитганимиз учун оддий гапдек туюлиб қолган. Лекин улар замирида динимиз ва мусулмонлар шаънига таъна борлигини ўйлаб ҳам кўрмаймиз.

Асоқир), деб марҳамат қилган ҳадисларига биноан, билганларини бошқаларга ўргатиш, таълим бериш йўлида тиним билмайди. Шунингдек, олган илмига амал қилиш фарздир. Абу Хурайрадан (розияллоху анху) Расулуллоҳнинг (соллаллоху

## Ўйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир



“Берган Худога ёқибди” ибораси аслида Аллоҳ таоло йўлида садақа қилишга ундалган оят ва ҳадислар мазмунидан олинган. Аллоҳ йўлида муҳтожларга, дўст ва қариндошларга ёрдам бериш мақсадида эҳсон қилиш савобли иш. Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам): “Банданинг моли садақадан камайиб қолмаган” (*Имом Бухорий*), деб марҳамат қилганлар. Яъни, садақа қилинган нарса савобга айланиб, эгасининг қўлида қолади.

Лекин баъзилар манфаатлари йўлида қонунга зид бўлган ишни амалга ошириш учун берадиган пораларига нисбатан бу иборани қўллаб, ўзларини оқламоқчи бўладилар. Шариатимиз қинғир йўлда, қинғир мақсадлардаги олиш-беришдан қайтарди. Чунки бунақаси Аллоҳга ёқмайди.

Ўйламасдан, эшитган ҳамма нарсасини гапирариш мусулмонга ярашмайди. Масалан, “Мулланинг айтганини қил, қилганини қилма”. “Мулла” сўзи “тўлалик” маъносини беради. Илм аҳлига шайх, ҳазрат, домла қаторида бу сўз ҳам қўлланилади. Бундай зотлар ҳақида Аллоҳ таоло: «**Айтинг: “Биладиганлар билан билмайдиганлар тенг бўлурми?!”**» (*Зумар*, 9) деб марҳамат қилган.

Аслида, “Мулланинг айтганини қил, қилганини қилолмайсан”, дейилса, тўғри бўлади. Чунки мулла, яъни, олим киши дин илмини оддий одамларга нисбатан чуқурроқ эгаллаган. Пайғамбаримиз (соллаллоху алайҳи ва саллам): “Ким илмини беркитса, Аллоҳ таоло Қиёмат куни уни оловдан бўлган юган билан юганлайди” (*Ибн*

алайҳи ва саллам) саҳобаларга: “Агар мен билган нарсаларни билганингизда эди, оз қулиб, кўп йиғлаган бўлардингиз” (*Имом Бухорий*), деганлари ривоят қилинган. Мулла ҳадисга амал қилиб, фарз ибодатлар билан бирга нафлларини ҳам бажаради. Шунинг учун унинг қилганини ҳамма ҳам уйдалаёлмайди.

Шунингдек, муқаддас дин ва илм қадрини билмай, “чала мулла” номини олган кишилар учраб туради. Аллоҳ таоло улар ҳақида бундай дейди: “**Китобни ўқиб туриб, одамларни яхшиликка буюрасиз-у, ўзингизни унутасизми?!**” (*Бақара*, 44). Беш қўл баробар эмас. Бир-икки нодонни деб барча олимни айб-лаш тўғри бўлмайди.

“Етим қўзи асрасанг, оғзи бурнинг мой бўлар. Етим бола асрасанг, оғзи бурнинг қон

бўлар” ибораси биринчи бўлиб Расулulloҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳақоратдир. Чунки у зот (алайҳиссалом) туғилмасларидан олдин оталаридан ажраганлар. Етимликда ўсганлар. Тарихга назар солинса, олдин боболари, кейин амакиларининг қўлида тарбия топганлар. Жуда ҳам суюкли бўлишларига қарамай, бирон марта одобсиз ёки тантиқ бола бўлганлари ҳақида хабар келмаган. Шунингдек, у зот: “Мен билан етим бошини силаган киши жаннатда мана шундай туради”, деб ўрта ва бош бармоқларини бириктириб ишора қилганлар. Бу мазмунда яна кўп яхши гаплар айтганлар.

Юқоридаги ибора аслида Аллоҳ таолонинг: **“Бас, у етимни жеркийдиган”** (Моун, 2) оятидаги етимни асраб, ҳақини бермаган, тарбиясида хато ва камчиликка йўл қўйиб, кейин оғзи-бурни қон бўлган кишининг гапига ўхшашдир.

Аллоҳ таоло инсонга фикрини сўз билан ифодалай олиш қобилиятини берган. Шундай экан, айтган ҳар бир сўзимиз келажагимизга таъсир этишини унутмайлик. Зеро, Аллоҳ таоло бундай огоҳлантиради: **“Зотан, ўнг ва чап (томон)да ўтирган икки қабул қилувчи (инсоннинг айтган сўзларини ва қилган яхши-ёмон амалларини) қабул қилиб-ёзиб турурлар»** (Қоф, 17).

**Абдурасул ТОШПЎЛАТОВ,**  
ТIIИ ўқитувчиси

## Умид сўнмаслиги керак

Иш қидириб юрган ёш муаллимага шаҳар шифохонасидаги касал болалар билан шуғулланишни таклиф қилишди. Вазифаси тенгдошларидан ортда қолиб кетмасликлари учун ўзлаштиришларига ёрдам беришдан иборат эди.

Иш бошлаган илк кунда бир ўқитувчи қўнғироқ қилди, шифохонадаги ўқувчисининг исм-шарифи, касалхона манзили ва ётган хонасини айтди. Она тилидан ўтилиши керак бўлган мавзу “От ва унинг турлари” эканини эслатди.

Муаллима айтилган манзилни топиб келди, бемор “Ёнғиндан куйган болалар бўлими”да бўлиб, бу ҳақида огоҳлантиришмаган эди. Хонага киришдан олдин муаллимага махсус кийим-бош беришди ва беморга, у ётган каравотга ҳам яқин келмаслик, ниқоб билан гаплашиш зарурлигини тайинлашди. Ҳамма ҳозирликлар битгач, муаллима чуқур нафас олиб хонага кирди. Болакайнинг жароҳати оғир, қаттиқ оғриқдан қийналарди. Ёш муаллима ноқулай вазиятда қолди, нима дейишини билмас, бироқ хонадан чиқиб ҳам кета олмасди. Ниҳоят, ўзини зўрға тутиб, тутилта-тутила гап бошлади:

– Мен дарсларингни шу ерда ўзлаштиришингга ёрдам бериш учун тайинланган ўқитувчиман. Бугун сен билан она тилидан “От ва унинг турлари” мавзуини бошлаймиз...

Эртасига муаллима яна келди. Йўлакда учраган ҳамширанинг: “Кечаги болакайга нима қилдингиз?” деган гапини эшитиб, қотиб қолди. Ҳамшира жилмайди:

– Кечирасиз, сизни қўрқитвордим-а? Бола ўнгланиб кетишдан хавотирланаётган эдик. Лекин сиз келиб-кетганингиздан кейин кўнглига умид, танасига куч кирди. Муолажаларимиз фойда қиляпти. Ўзи ҳам яшашга интила бошлади...

Болакай ҳамон муаллима билан илк учрашувгача жароҳати жиддийлигини билиб, тузалишдан умид узганини, касалхонадаги биринчи сабоқдан кейин ҳамма нарса яхши томонга ўзгарганини севиниб эслайди. Ўшанда дарс тугаб, ўқитувчи чиқиб кетганидан кейин кичкина беморнинг кўзидан қувонч ёшлари оқар, миясида эса бир фикр айланарди: “Демак, яшар эканман. Ахир, ўладиган болага синфдошларидан орқада қолиб кетмасин деб “От ва унинг турлари” мавзуини ўргатиш учун муаллима жўнатишмайди-ку!..”

**Нигора НЕЪМАТ қизи**  
тайёрлади.

# ИБН МОЛИК

**Тўлиқ исми: Жамолиддин Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Молик Тойй. Ҳижратнинг олти юзинчи йили Андалуснинг Жийён шаҳрида туғилган. Бу зот гўзал хулқли, доно, ҳаёли, виқорли ҳамда сабрли эди. Илм олишга иштиёқманд бўлганидан вафот этадиган кунни ҳам тил қоидаларидан саккизтасини ёдлашга улгурди.**



Абу Аббос Аҳмад ибн Наввордан (рахматуллоҳи алайҳ) қироат илмини ўрганди. Шунингдек, Дамашқда Мукрим, Абу Содиқ Ҳасанибн Соббах, Абул Ҳасан Саховий (раҳимахуллоҳ) ва бошқалардан сабоқ олди. Ҳалб шаҳрида Абдуллоҳ ибн Молик Маршоний, Ибн Яъиш, Ибн Имрон (раҳимахуллоҳ) ва бошқалардан Сибавайхнинг асарларини эшитди.

Ибн Молик (рахматуллоҳи алайҳ) бор ғайратини араб тили, наҳв ва сарф қоидалари ҳамда қиёс усулларини ўрганишга сарфлади ва етук уламолар қаторига қўшилди. Дамашқда яшаган вақтида бир неча асарлар ёзди, масжидда ишлади. Кейинчалик Қоҳирага кўчиб ўтди.

“Ал-мувассал фи назмил муфассал”, “Кафиятуш шафия”, “Алхулоса”, “Икмалул аълам бимусалласил калам”, “Ламийятул афъол ва шарҳуҳа”, “Фаъала афъала”, “Ал Муқоддаматул асадийя”, “Уддатул лафиз ва умдатул ҳафиз”, “Ал-ийтизод

физ-зои ваз-зоди”, “Тухфатул мафдуд фил-мақсури вад-дуд”, “Шарҳут тасҳил” каби китоблар унинг қаламига мансуб.

Ибн Молик асарларини ўғли Бадриддин Муҳаммад, Шамсиддин ибн Жаъвон, Шамсиддин ибн Абул Фатҳ, Ибн Аттор, Зайниддин Абу Бакр, шайх Абул Ҳусайн, Абу Абдуллоҳ Сайрофий, Бадриддин ибн Жамъа, Шаҳобиддин ибн Ғином, Носириддин ибн Шофе ривоят йўли билан ёзиб қолдирган.

Ибн Моликка минг байтдан иборат “Алфия” асари катта шуҳрат келтирди. Олим бу китобни аруз вазнининг “ражаз” баҳрида ёзиб, унга наҳв ва сарфга оид қоидаларни киритди.

Асар сўзларга таъриф бериш билан бошланади. Кейин наҳв ва сарф қоидалари бобларда кетма-кет келтирилади. Наҳвий қоидаларни тартибланда Қуръон, ҳадис, етти қироат ва араб шеърларини асос қилди. Наҳв қоидаларини янгича услубда тушунтириб берди.

“Алфия” наҳв олимлари эътиборига тушди. Олимлар асар байтларини грамматик таҳлил қилиб, қирқдан зиёд шарҳ, ҳошия ва унга тааллуқли асарлар ёзишди. Олимнинг ўзи, ўғли Бадриддин Муҳаммад, Бурҳониддин ибн Иброҳим Андалусий, Баҳоуддин Абдуллоҳ ибн Абдурахмон Ақийл, шайх Абдуллоҳ ибн Ҳусайн Адкавий, Бадриддин ибн Қосим Мисрий, Нуриддин Абул Ҳасан Ашмуний, Зайниддин Абдуррахмон ибн Абу Бакр, Абу Зайд Абдурахмон ибн Али Мукаввадий, Абу Муҳаммад Қосим Андалусий, Шамсиддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ҳавворий Андалусий ва бошқалар “Алфия” га шарҳ ёзишди.

“Авзоҳул масалик ила алфияти ибни Молик” (Жамолиддин ибн Ҳишом Ансорий), “Шарҳи ибн Ақийл” (Баҳоуддин Абдуллоҳ ибн Абдуррахмон), “Минҳатул Жалил битаҳқиқ шарҳ ибн Ақийл” (Шайх Муҳаммад Муҳийиддин Абдулҳамид), “Минҳажус саллик ила алфияти ибни Молик” – “Шарҳи Ашмуний” (Абу Ҳасан Али Нуриддин ибн Муҳаммад Исо) асарлари “Алфия”нинг энг машҳур шарҳлари саналади.

Ибн Молик (рахматуллоҳи алайҳ) ҳижратнинг 672 йили Қоҳирадан Дамашққа сафар қилади ва шаъбон ойининг ўн иккинчи кунни вафот этади.

**Лола МАҲМУДОВА,**  
ТИИ битирувчиси